O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

УШБУ СОНДА:

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОНМИ? 2



3

БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИДИР

“СЎЗ ИЧРА АҚЛ ЯШИРИНДУР...”

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 42 (398)
2004 йил 2 ноябр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида, ҳисоб-китоб варағи ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.**

**Фермер хўжалиги ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.**

**Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек, рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.**

“ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА.

# САЙЛОВ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ МАСЪУЛИЯТИ

***Мамлакатимиз муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — сайлов арафасида турибди. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига кўра юртимизда икки палатали Парламентнинг шакллантирилиши Ўзбекистонда демократияни ривожлантиришда янги даврни очиб беради, ижтимоий тараққиётнинг янада юксалиши учун самарали шарт-шароит яратади.***



Бугунги давр оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисмига айланиши зарурлигини тақозо этаётир. Бу, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам муайян вазифаларни юклайди. Конституциянинг 19-моддасида фуқаро ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, фуқароларнинг Конституция ҳамда қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ-эркинликлари дахлсизлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Асосий Қонуннинг 20-моддасида: **“Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”,** дейилган.

Демак, эркинликнинг ҳам чек-чегараси бор ва у кўпчилик манфаатларини таъминлашга қаратилган муайян чеклашларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Шу маънода, **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги қонуннинг 6-моддасида асосан учта муҳим йўналиш бўйича оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолликка йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, уларнинг ҳаммаси конституциявий қоидалар талабларидан келиб чиққандир.

**Биринчи йўналиш** – сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Бундай суиистеъмолликларнинг тақиқланишига қаратилган қоидалар соҳага доир бошқа қонунлар моддаларида ҳам мавжуд. Масалан, **“Ноширлик фаолияти тўғрисида”**ги қонуннинг 4-моддасида қайд этилишича, матбаа маҳсулотида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилиш, диний ва миллий нифоқ солиш кабилар ман этилади.

**“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”**ги қонуннинг 13-моддасида эса: **“Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий ахборот махфий ахборот тоифасига киради”,** деб белгилаб қўйилган. Демак, сайлов жараёнларида журналистлар, оммавий ахборот воситалари бундай ахборотни тарқатишда қонун талабларидан келиб чиқиши тақозо этилади.

**Иккинчи йўналиш** — сайлов жараёнлари билан боғлиқ материалларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш асносида прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёҳуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш тақиқланади.

**“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

**Учинчи йўналиш** — сайлов жараёнларида оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Бундан ташқари, соҳага оид бошқа бир қатор қонунларда, таъбир жоиз бўлса, айни шу қонуннинг фаолият доирасигагина хос бўлган суиистеъмолликларни чекловчи айрим қоидалар киритилган.

**“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунда ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист зиммасига, юқорида зикр этилган мажбуриятлардан ташқари, қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар талабларига риоя этиш; ўзи тайёрлаётган материалларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириш ва холис ахборот тақдим этиш; айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиш каби мажбуриятлар ҳам юкланади.

Яқинда Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Ушбу Низомда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига эфир вақти ва босма майдонини текин ажратиш ҳамда ҳақ тўлаш асосида тақдим этишнинг ҳуқуқий тартиби белгиланган. Шу билан бирга, сайлов кампанияси даврида тегишли эфир вақти ва босма майдони тақдим этадиган оммавий ахборот воситаларига нисбатан, миллий қонунчилик доирасида, муайян талаблар ҳам кўзда тутилган.

Биринчидан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суиистеъмолликка йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини бузмаслиги лозим.

Иккинчидан, телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блокида берилиши шарт. Бунда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши даркор.

Учинчидан, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўзининг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ фаолияти бўйича ҳисобдордир. Яъни улар ажратиладиган эфир вақти ва босма майдонини ҳисобга олиб боради ҳамда бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ахборот тақдим этади.

Тўртинчидан, сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас.

Бешинчидан, депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўз таҳририятларида сайлов жараёнларини ёритиш бўйича ишларни бажариши ёки информацион чиқишларни амалга ошириши тақиқланади.

Олтинчидан, сайлов кампанияси даврида муассислари ёки бошқа органларининг аъзолари тегишлича сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган компаниялар, ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди. Сайловолди тарғиботини хайрия фаолияти билан қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов ҳуқуқи ва сўз эркинлиги – нафақат ҳуқуқ, айни чоғда шу ҳуқуқ соҳибларига муайян мажбуриятлар юклайдиган масъулият ҳам демакдир.

**Ғулом МИРЗО**

Xabar

# АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Жорий йилнинг 29 октябридан 1 ноябригача мамлакатимизда Корея Республикаси Олий Халқ прокуратурасининг Бош прокурори жаноб Сонг Кванг Су бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турди.

Мазкур ташриф мобайнида Корея Республикаси делегацияси мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик мутасаддилари билан учрашувлар ўтказди. Жумладан, 1 ноябр куни Адлия вазирлигида вазир А.Полвон-зода ва Корея Республикаси Олий Халқ прокуратурасининг Бош прокурори Сонг Кванг Су ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда томонларни қизиқтирган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.





Адлия вазири А.Полвон-зода мамлакатимизда ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қонунчилик соҳасида олиб борилаётган либераллаштириш жараёни тўғрисида батафсил маълумот берди.

Корея Республикаси Олий Халқ прокуратурасининг Бош прокурори жаноб Сонг Кванг Су Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Корея томони ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда бу борада ходимларнинг тажриба алмашинувини йўлга қўйиш ҳақида таклифлар билдирди.

Шунингдек, учрашувда ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий масалалар ҳамда хорижий инвесторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Корея Республикаси Олий Халқ прокуратураси ўртасида ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги аниқ режалари белгилаб олинди.

Huquqiy sharh

***Шуни айтиш керакки, қонунчиликда жиноят содир қилган шахснинг айбини (ёки жиноят содир этмаганини) исботловчи далилларни топиш, олиш, расмийлаштириш ва баҳо беришнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. Шу боис, шахсни жиноят содир қилишда айбдор эканини исботлаш қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар доирасида амалга оширилади.***

# ИСБОТЛАШ МЕЗОНИ ВА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ

Англо-саксон ҳуқуқига асосланган ҳамда континентал ҳуқуқ қарор топган дунёнинг аксарият давлатларидаги суд тизимида жиноятни содир қилинганини исботлаш “процессуал ҳуқуқ”қа асосланган бўлса, собиқ иттифоқ таркибида бўлган мамлакатларда “моддий ҳуқуқ” ҳукмрон. Процессуал ҳуқуқ ҳукмрон судлов тизимида бирон-бир шахсни жиноятчи деб эътироф этиш учун унинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигининг ўзи кифоя эмас. Зеро, шахснинг айбини исботловчи далиллар жиноят процессуал ҳуқуқ меъёрларида белгиланган тартибда тўпланган ва расмийлаштирилган бўлиши шарт. Масалан, гиёҳванд моддалар билан ноқонуний савдо қилувчи шахснинг уйидан, айтайлик, “героин” моддаси тинтув натижасида полициячилар томонидан олинган бўлса-ю, лекин уйни тинтув қилиш ҳақида суднинг рухсати (ордери) бўлмаса, бу ашёдан (героин) судда далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Чунки бу қонунда белгиланган тартибда олинмаган номақбул далил деб эътироф этилади. Шунингдек, агар полициячи талончилик содир қилаётган шахсни жиноят устида қўлга тушириб, унинг ҳуқуқлари (яъни у қандай жиноят содир этишда айбланаётгани, мазкур жиноят иши бўйича полициячининг саволларига жавоб бермасдан сукут сақлаши, унинг айтган ҳар бир сўзи ўзига қарши ишлатилиши мумкинлиги ва у адвокат олиш ҳуқуқига эга эканини, агар адвокат ёллашга маблағи етарли бўлмаса, унга давлат томонидан бепул адвокат тайинлаши ҳақида) тушунтирилганини прокурор судда исботлаб беролмаса, талончилик содир этган шахсга нисбатан суд оқлов ҳукми чиқариши мумкин.

**(Давоми учинчи бетда)**

Ajab savdolar

***Аввало шуни айтиш керакки, шартномавий муносабатларга киришган тарафлар, у амалда бўлган даврда, шартномани бекор қилиш ва ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бошқача айтганда, шартномалар тарафларнинг келишуви, улардан бирининг талаби асосида ўгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.***

# ХУФИЁНА ҚАРОР




Бироқ ана шу тамойилларга қатъий амал қилинмагани учун Бухоро туманидаги “Ўрта Осиё” ширкат хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи Розия Ғуломованинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилди.

Гап шундаки, “Ўрта Осиё” ширкат хўжалиги вакиллари йиғилишининг 2001 йил 5 декабрдаги 12/3-сонли қарорига кўра, Розия Ғуломовага 445-сонли контурдаги ер майдони 5 йил муддатга ажратиб берилади. Бу ҳақда 2001 йил 30 ноябрда далолатнома тузилади. Ер майдони оила пудратчисига 2006 йил 28 ноябргача бериши кўзда тутилади.

Демак, 2001 йилдан буён Розия Ғуломова бошчилигидаги пудратчилар ер майдонида ширкат хўжалиги бошқаруви билан тузилган ички пудрат шартномасига асосан хўжаликка маҳсулот топшириб келишган.

2002 йил 21 ноябрда тузилган шартномага мувофиқ хўжалик пудратчига расмийлаштириб берилган контурда белгиланган меъёрларга асосан моддий ресурслар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш, пудратчи эса пахта хомашёси етиштириб беришни ўз зиммасига олган. Мазкур шартнома 2003 йил давомида амал қилиши кўзда тутилган.

Бироқ 2003 йил 1 феврал куни “Ўрта Осиё” ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида шу контурдаги ерни Фарҳод Тойиров раҳбарлигидаги фермер хўжалигига ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун бирон-бир асос бор эдими?!.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Qonun dastagi

# ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Аслида ер фермерга тегишли эди. У белгиланган тариф бўйича ягона ер солиғини тўлаган. Бироқ кутилмаганда бу экин майдонига бошқалар эгалик қилади. Чунки фермернинг ери ғайриқонуний тарзда олиб қўйилган. Таажжуб. Бу қайси қонунга тўғри келади?

Ана шундай воқеа Каттақўрғон туманидаги “Умурзоқ ота” фермер хўжалигида юз берди. Мазкур фермер хўжалиги 2000 йил 24 мартда туман ҳокимининг 127-Қ-сонли қарори билан ташкил этилган. Ўшанда фермер хўжалигига “Ғалаба” ширкат хўжалигининг 92-93 контурларида жойлашган 20 гектар ер майдони ўлчаб берилган эди. Фермер хўжалигига 50 йил муддатга ерни ижарага бериш далолатномаси билан ер майдони топширилгач, у ширкат хўжалиги ер балансидан чиқарилган, албатта.

Тадбиркор Азим Худойқулов фермер хўжалиги аъзолари билан тинчгина ишлаб келаётганди. 2002 йилнинг кўкламига келиб, фермер хўжалигининг 20 гектар ер майдонидан 1,6 гектарига ширкат хўжалиги эга чиқди. Ана шу 1,6 гектар фермерга қарашли ерга ширкатдагилар ток кўчати ўтказишди. 2003 йилда эса токзор ширкат хўжалиги аъзоларидан Ф.Турсунқулов ва Т.Турсунқуловга ижара шартномаси асосида ижарага берилди.

Ўшандан буён фермер хўжалиги раҳбари А.Худойқуловнинг ороми бузилган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Asr vabosi

# ГИЁҲВАНДЛИК:
## КЕЧА ВА БУГУННИНГ МУАММОСИ

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг тезкор маълумотларини эълон қилаётган қатор жаҳон оммавий ахборот воситалари дунёда содир этилаётган ҳар ўнта оғир жиноятнинг деярли 5 таси гиёҳвандлик билан боғлиқ эканлигига урғу беришмоқда.

Дунёни ларзага солаётган бу ташвишли ҳолат бугунги кунда дунёдаги ҳар бир кишини янада ҳушёр бўлиш, инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келувчи бу иллатга қарши биргаликда муросасиз кураш олиб боришга ундайди.

Яқинда гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси томонидан 566 килограммга яқин наркотик моддалар куйдириб, йўқ қилинди. Бу моддаларнинг 381 килограммини героин, 114 килограммини опиум, 53 килограммини марихуанна, 14 килограммини гашиш, 1 килограммдан ортиғини кўкнори, шунингдек, таблетка ва ампулалардаги психотроп моддалар ташкил этади.

Тўғри, аср вабосига қарши кураш бугуннинг муаммоси эмас. Унинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шу боис мамлакатимиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд идоралари ходимлари бу каби жиноятга қарши курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги **“Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги дунё аҳамиятига молик Ягона Конвенцияси, 1971 йилдаги “Психотроп моддалар тўғрисида”**ги Конвенцияси ва 1988 йилдаги **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида”**ги Конвенцияси кўрсатмалари ҳамда давлатимиз қонунлари, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилиб, бу борада халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини оғишмай бажармоқда.

**(Давоми учинчи бетда)**

Ajab savdolar

# ХУФИЁНА ҚАРОР



## У нега, нима мақсадда қабул қилинди?

*(Давоми.
Боши биринчи бетда)*

Бундан ҳам таажжубланарлиси шундаки, 2004 йил 18 мартда Бухоро туман ҳокимининг 141-сонли қарорига асосан пудратчиларнинг ер майдони "Сайфуллобобо Зиработи" фермер хўжалигига ажратиб берилганига нима дейсиз? Бу қонунни назар-писанд қилмасликми ёки тўрт томонинг қибла, қўлингдан келганини қил, қабилида иш тутиш?

Вилоят адлия бошқармасининг фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туман судига даъво аризаси билан мурожаати адолатли ҳал этилди. Суд ҳал қилув қарори билан "Ўрта Осиё" ширкат хўжалиги аъзолари умумий йиғилишининг 2003 йил 11 февралдаги 1-сонли қарорининг Фарҳод Тойировга Зирабод қишлоғи ҳудудидаги 445-контурдан 7,5 гектар ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги қисми, Бухоро тумани ҳокимининг 2004 йил 18 мартдаги 141-сонли қарорининг "Сайфуллобобо Зиработи" фермер хўжалигига 445-контурдаги ердан 7,5 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги қисми бекор қилинди.

Судда оилавий пудрат бошлиғи Розия Ғуломова ва унинг аъзолари М.Ғуломова, П.Ҳожиев, Д.Аҳмедовалар енг ичида қабул қилинган ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ва туман ҳокими қарорларидан мутлақо бехабар эканларини айтишди. Ерни фермер хўжалигига беришга розилик бермаганликларини баён этишди.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: хўш, пудратчиларни алдашдан, хуфиёна қарор қабул қилишдан кўзланган мақсад нима эди?

Фуқаролик кодексининг 382-моддасига кўра, агар ушбу кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шу кодекснинг 384-моддасида эса шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, деб кўрсатилган.

445-контурдаги ер майдони оилавий пудрат асосида Розия Ғуломовага 5 йил муддатга ширкат хўжалиги қарорига асосан, далолатнома билан берилгани исбот талаб қилмайди. Тарафлар ўртасидаги шартнома ҳам бекор қилинмаган. Шулардан келиб чиқиб, суд низоли ер "Сайфуллобобо Зиработи" фермер хўжалигига ғайриқонуний тарзда берилган, деган тўғри хулосага келган.

Ер кодексининг 51-моддасида оилавий пудрат асосида берилган ер участкасининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра, ўзгартирилиши мумкин, деб аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган. Жавобгарлар дўппини бошдан олиб, мазкур кодекс моддалари билан танишишга фурсат топишмаган, шекилли...

Шунингдек, ички пудрат шартномасининг 4.5-бандида пудратчи шартнома шартларини қасддан, қўпол равишда бузганда, хўжалик бошқарувининг ташаббуси билан тузилган шартнома бекор қилиниши ва ер белгиланган тартибда қайтариб олиниши кўрсатилган. Очиқ суд мажлислари чоғида оилавий пудратчининг шартномага кўра маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятини қўпол равишда бузгани ҳақида эътирозлар билдирилмаган.

Жавобгар Фарҳод Тойиров ер майдонининг фермер хўжалигига берилишига оилавий пудрат аъзолари томонидан уларнинг розиликлари ҳақида ариза берилган, деб важ келтирган. Унинг бу важи суд ва судлов ҳайъатининг мажлисида ўз исботини топмади.

Хўш, аслида нима бўлган эди?

Р.Ғуломова, П.Ҳожиев номидан ёзилган аризаларда оилавий пудрат шартномасини бекор қилиш, ер майдонининг фермер хўжалигига ажратилишига розиликлари ҳақидаги хоҳиш-ирода акс эттирилмаган. Фақатгина унда Фарҳод Тойиров билан бирга ишлашга розилик ўз ифодасини топган. Суд ва судлов ҳайъатининг мажлисида яна бир ғирромликнинг хашаги чиқиб қолди. Жавобгар бу аризани 2002 йилнинг август ойида, ҳали фермер хўжалиги тузилмаган пайтда ўзи ёзганини бўйнига олди. Тантилик яхши-да.

Шу йил 17 августда фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди судлов ҳайъати биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирди. Адлия бошқармасининг оилавий пудрат бошлиғи Розия Ғуломованинг манфаатларини кўзлаб киритган даъвоси қаноатлантирилди.

Одилона мулоҳаза юритиб кўрайлик. Ойлаб оворагарчилик, сарсон-саргардонликка ўз вақтида чек қўйса бўлармиди? Албатта. Бунинг учун масъул идоралар мутасаддиларига ҳуқуқий тафаккур, билим кифоя эди, холос.

**Чўлпон УМИРБЕКОВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun dastagi

# ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

*(Давоми.
Боши биринчи бетда)*

Ҳаловати йўқолиб ўзининг қонуний ерига эгалик қилолмаётганидан дили хуфтон. Халқимизда "Бошингга неки ташвиш келса, ўзингдан кўр" деган нақл бор. А.Худойқулов ўйлаб ўйининг охирига етолмайди. Ҳеч кимнинг дилини оғритмаган, мушугини "пишт" демаган. Нега унинг 1,6 гектар ерини ширкат хўжалиги ер тузувчиси И.Нормуродов келди-ю, олиб қўйди. Нақл ҳам баъзан ҳаётга тўғри келавермаскан-да?!.

Буёғини сўрасангиз, фермер хўжалиги 20 гектар ер майдони учун 2002 йилда 205 минг 600 сўм, 2003 йилда 183 минг 800 сўм ва 2004 йил 1 июн ҳолатига 404 минг сўм ягона солиқ тўловларини амалга оширган. Фермер хўжалиги ширкат хўжалиги олиб қўйган 1,6 гектар ер учун ҳам 63 минг 472 сўм ягона ер солиғи тўлаган. Бу тадбиркорлик субъектининг шунча миқдорда зарар кўрган деган фикрни англатади.

Келинг, яна бир асосли далилга эътибор қаратайлик. "Сам-Мадад-Таҳлил" аудиторлик фирмаси "Умурзоқ ота" фермер хўжалиги асоссиз олиб қўйилган 1,6 гектар ер майдонидан фуқаролик муомаласи шароитида фойдаланганда 2002-2003 йилларда жами 489 минг 130 сўм миқдорида даромад олиши мумкинлигини аниқлади. Демак, бу маблағ фермер хўжалиги томонидан бой берилган фойда ҳисобланади.

Фермер хўжалиги раҳбари А.Худойқуловнинг аризасини ўрганиб чиққан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ходимлари "Умурзоқ ота"га ер майдонини олиб бериш, ширкат хўжалиги томонидан ижарачилар билан тузилган ижара шартномасини бекор қилиш, тадбиркор фойдасига моддий ва маънавий зарарларни ҳамда бой берилган фойдани ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига даъво ариза киритиш керак, деган аниқ тўхтамга келишди.

Суд ноқонуний эгаллаб олинган ер майдонини "Умурзоқ ота" фермер хўжалигига олиб бериш, ширкат хўжалиги билан ижарачилар ўртасида тузилган ижара шартномасини бекор қилиш, етказилган 63 минг 472 сўм моддий зарар, 489 минг 130 сўм бой берилган фойда ширкат хўжалиги ҳисобидан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, ҳал қилув қарорида А.Худойқулов фойдасига ширкат хўжалиги раҳбари ҳамда ер тузувчисидан солидар тартибда 100 минг сўм маънавий зарар ундириш ҳам қайд қилинди.

Шундай қилиб, ер қонуний эгасига қайтди. Фақат тадбиркорнинг сарсончилиги-ю, бир неча кишининг оворагарчилигига сабаб бўлди.

**Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Gazetxon xat yo`llabdi...

# ЭНГ КАТТА САВОБ–МУРУВВАТ!

*Дунёни яхшилик тутиб туради. Эзгу амаллар ҳамиша ҳаётга файз-барака киритади, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди.*

*Бу ҳақда бежиз фикр юритаётганим йўқ. Яқинда биз айни шундай бир савоб ишга гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, қўшнимиз Ризо Сафаров кутилмаганда тўй қилиб, келин олиш тараддудига тушиб қолди. Ундан нега бунчалик шошилинч тўй тараддудига тушиб қолганлигининг сабабини сўрасам, аввалига бироз иймanди. Кейин кўнглидаги гапни айтди:*

*— Аслида тўйни ёзга белгилаб қўйгандим. Биласиз, ўғлим билан Нодир аканинг қизини унаштириб қўйганмиз. Бироқ кутилмаганда онамнинг тоби қочди. Ёнига чақириб "ўғлим, набирамнинг тўйини тезлаштир, мен ёзгача етолмайман-ов", деб қолди. Бу дунёда ота-онанинг розилигидан ортиқ яна нима бор?!.*

*Ўйлаб кўрсам, Ризо Сафаров тўғри иш қилаяпти. Аммо қўли калта. Тўйга тайёр эмас. Кимнингдир кўмагига муҳтож, бироқ шуни очиқ айтолмаяпти. Қисқаси, уч-тўртта кайвонилар маслаҳатлашиб, меҳр-мурувватли, тадбиркор кишиларга ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Буни қарангки, ишимиз бирдан юришиб кетди.Ички ишларда ишлайдиган Ҳамид Дўстматов 30 килограмм ёғ олиб берди. Қўли гул дурадгор Жамил Рўзиев иккита қўй келтирди. Шифокорлардан Илҳом Қодиров билан Севара Нарзиева гуруч билан таъминлади. Фермер Ашур Ғозиев икки қоп ун ҳадя этди. Қарабсизки, тўй ихчам, файзли ва тинчгина ўтди.*

*Дастлаб Ризо қўшним қилган ишимиздан бироз ҳижолат бўлди. Сўнг баҳри дили очилиб, ҳаммангизнинг борингизга шукур, дея кўзларига ёш олди.*

*Ўзбеклар шунақа танти, меҳр-мурувватли халқ. Қолаверса, юртимиздаги тўкинлик, тўкислик ҳам шу халқнинг ҳалоллигидан, оқибатлилигидан дарак беради. Шундай бағри кенг, меҳрибон юртдошларимиз борки, бошидан сув ўгириб ичсанг, арзийди.*

**Шербек РАСУЛОВ, Элдор ТОҲИРОВ,**
**Самарқанд вилояти**

# ШИКОЯТ ҚОНУНИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

**Газетамизнинг шу йил 21 сентябр сонида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида истиқомат қиладиган Тўрабек Бекпўлатовнинг шикоят хати «Ваъдаси ёлғонмикан?..» сарлавҳаси остида чоп этилган эди. Яқинда ушбу таҳрирсиз мактуб юзасидан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани прокурори М. Эрматовдан қуйидаги жавоб хатини олдик.**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Абай ширкат хўжалиги марказида истиқомат қилувчи, 1939 йил туғилган Бекпўлатов Тўрабекнинг, 2003 йилнинг декабр ойида С.Раҳимов тумани Қора-Қамиш 2/3-даҳаси, Ўразбоев кўчаси, 2-А-уйда жойлашган протез ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхонага берган буюртмаси бўйича ҳозирга қадар протезини ололмаётганлиги ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди.

Текширув натижаларига кўра, туман прокуратураси аралашуви билан 254-сонли буюртма билан қабул қилинган 004480-сонли талонга асосан ясалган ПНЗ-12 русумли протез, буюртмачининг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани Ижтимоий таъминот бўлимига 2004 йил 22 сентябр куни буюртма йўқлов билан почта орқали жўнатилиши таъминланди.

# «АВТОМОБИЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!»

***Ҳурматли таҳририят ходимлари!***

***Яқинда оила аъзоларим билан бирга дўстимни туғилган куни билан табриклаш учун уйига борган эдик. Зиёфат анча қуюқ бўлди. Кайфиятим яхшилиги, бунинг устига дўстларимнинг қийин-қистови билан бироз спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилдим.***

***Меҳмондорчиликдан сўнг машинани уйга ўзим ҳайдаб қайтдим. Бироқ йўлда милиция инспектори тўхтатди. У ичкилик ичганимни билгач, дарров ҳужжатларни расмийлаштирди. Кейин эса менга нисбатан катта миқдорда жарима ва бир йил ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида жазо қўлланилди.***

***Тўғри, мен спиртли ичимлик истеъмол қилиб, машинани бошқаргандим. Лекин ҳеч қандай қоидани бузганим йўқ. Айтмоқчиманки, менга нисбатан қўлланилган жазо тўғрими?***

**Садриддин ҲАКИМОВ,**
**Самарқанд шаҳри**

— «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 131 моддасида транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш учун жазо белгиланган. Ушбу модданинг 1-қисмига кўра, ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик ёки гиёҳванд модда таъсирида мастлиги аниқланса, унга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади. Шунингдек, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этилиши ҳам мумкин. Шу модданинг иккинчи қисмига кўра, шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилган пайтдан бошлаб бир йил ичида такрор содир этилса, ўша ҳайдовчи транспорт бошқариш ҳуқуқидан уч йилга маҳрум қилинади.

Бундан ташқари, кодекснинг 136-моддасида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаганлиги учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Бундай пайтда ҳайдовчи энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача жаримага тортилади.

Ҳуқуқбузарларга жазо тайинлашда суд ҳуқуқбузарнинг шахсини, судланган ёки судланмаганлигини, оилавий аҳволини, илгари жавобгарликка тортилган ва тортилмаганлигини, соғлиғини, ногиронлигини аниқлаши лозим.

Жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларда суд «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги кодекснинг 21 моддасига кўра, маъмурий жавобгарликдан озод қилиб огоҳлантириш билан ҳам чекланиши мумкин.

# ИҚТИСОДЧИ ТЎҒРИ ЙЎЛ ТУТДИМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 июндаги 335-сонли қарорига асосан "**Ўқитувчилар маошига устама ҳақ белгилаш**" юзасидан мактабимизда ҳам комиссия тузилиб, раҳбарият қарорда кўрсатилган талабларга асосланиб, ўқитувчиларга устама ҳақ белгиланди. Шулар қаторида менинг бажарадиган ишларимни (вилоят психологлар таянч маркази ўқитувчиси, шаҳар психологлар шуъба раҳбари, шаҳар прокуратурасида психолог-маслаҳатчи, шаҳар Мудофаа бўлимидаги чақирув комиссиясининг аъзоси, вилоят психологлар Конференциясида маъруза билан иштирок этишим, тавсияномалар ишлаб чиққаним) ҳисобга олиб, маошимга устама ҳақ белгиланди. Лекин халқ таълими бўлими иқтисодчиси психолог ўқитувчи эмас, шунинг учун устама ҳақ берилмайди, деб менинг номимни рўйхатдан ўчириб юборди. Ваҳоланки, "**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимида психологик хизмат тўғрисида**"ги муваққат Низомда "**Психолог педагогик жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси, таълим жараёнининг бевосита иштирокчиси сифатида педагоглар учун белгиланган барча кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга**" деб айтилган.

Айтингчи, иқтисодчи тўғри йўл тутдими?

**Гулчеҳра АКБАРОВА,**
**Марғилон шаҳар 13-ўрта мактаб психологи**

**Бу саволга ҳуқуқшунос
Саломат НИЁЗОВА шундай жавоб беради:**

— Халқ таълими бўлимининг талаби бевосита сизнинг ўша мактабда психолог ўқитувчи бўлиб ишламаганлигингиз учун сизга устама ҳақ берилмаслигидир. Дарҳақиқат, сиз **"Ўзбекистон Республикаси халқ таълимида психологик хизмат тўғрисида"**ги муваққат Низомидаги ушбу бандни кўрсатиб ўтгансиз. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, сиз психолог-ўқитувчи бўлганингизда бундай имтиёздан фойдаланардингиз. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг "**Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида**"ги 2004 йил 15 июлдаги қарорининг 2 бандига мувофиқ:

— "Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун ўқувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланадиган ўқувчиларининг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоиз миқдоригача;

— Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига улар томонидан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун ўқувчиларининг тўгараклар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятига жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорида;

— Методика кабинетлари методистларига ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув методик материаллар ишлаб чиқишга, янги педогогика технологиялари жорий этишга, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуши учун 25 фоизигача миқдорида устама ҳақи белгилаш назарда тутилган.

Аммо сизнинг юқорида кўрсатилган психолог мутахассис сифатида конференцияларга қатнашганлигингиз ушбу банддаги бирорта фаолиятга тўғри келмайди. Шундан келиб чиқиб, бунинг устига сиз психолог педагог эмаслигингизни инобатга олиб, халқ таълими бўлими иқтисодчиси тўғри йўл тутган.

Dakki

***Бир бор экан, бир йўқ экан. Ушбу тинчлик замонида Қорақалпоқ томонда учта "паҳлавон" бўлган экан. Аслида, қариндошлик ришталари билан боғланмаган бу "ботир"ларни бир хилдаги хизмат мавқеи ўзаро бирлаштириб тураркан. Шу бирлашув тагида уч оғайни "ботир"лар ўз "қаҳрамонлик"ларини бошлашибди.***

# УЧ ОҒАЙНИ "БОТИР"ЛАР

## ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Тўнғич "ботир" эл орасида "Қўнғирот ун заводи" раҳбари деб ном олибди. Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган мазкур корхона 2003 йилнинг 28 октябрида "Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамияти билан олди-сотди шартномаси тузибди. Шартнома асосида "Қўнғирот ун заводи" "Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамиятидан 3.970.000 сўмлик, жами 4000 дона резина уруғ тозалагичлар қабул қилиб олибди. Олди-сотди шартномаси ишонч қоғози ва юк-транспорт ҳужжатлари билан тасдиқланибди. Томонлар ўртасида имзоланган шартномага кўра, "Қўнғирот ун заводи" резина уруғ тозалагичлар пулини 2003 йилнинг 31 декабрига қадар тўлаши лозим экан. Аммо ун заводи ҳиссадорлик жамияти мазкур маблағнинг бир бўлагини қайтарибди-ю, қолган қисмини қайтариш учун бўйни ёр бермабди. Димоғи кўтарилган "Қўнғирот ун заводи" "Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамиятининг: "Ҳой, қарзни тўламайсанми? – деган саволига қўл силтаб қўя қолибди. Тўнғич "ботир"нинг чув тушириш борасидаги "уддабурролиги" ўртанча "ботир"нинг қулоғига чалинибди. "Э-ҳе, одамлар нималар қилишмаяпти-я?" – деган ўй босибди уни. — Мен-чи? Менинг улардан кам жойим бор эканми?.."

"Тўрткўлдон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти атамаси остидаги ўртанча "ботир" шундай дебди-ю, шитоб билан олға қадам ташлабди. 2003 йилнинг 23 декабрида шартта "Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамияти билан 12-сонли олди-сотди шартномаси тузишга эришибди. Шартнома асосида "Оролсувқурилишсавдо" жамиятидан умумий баҳоси 2.000.000 сўмга тенг бўлган 2000 дона резина уруғ тозалагичлар сотиб олибди. Бир томони зарурат, иккинчи томони, нафс ҳам ёмон нарса-да. "Тўрткўлдон" ҳиссадорлик жамияти шундан келиб чиқиб, 2004 йилнинг 6 майида 26-сонли иккинчи шартномани қўлтиғига қистирибди. Ва шундай қилиб денг, яна 1985 дона, бошқача айтганда, 1.985.000 сўмлик резина уруғ тозалагичларни ўз ҳисобига ўтказибди. Бироқ Фуқаролик кодексининг 242-моддасида сотиб олинган маҳсулотлар қарзини тўлаш муддати етти кун қилиб қайд этилганини атайлаб унутиб қўйибди...

"Тахтакўпирдон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидагилар бу гапларга бефарқ қарай олишмабди. Жамоа сардори кенжа "ботир" оҳиста ўрнидан қўзғалибди. Қоғоз-қаламни чўнтагига тиқиб, "Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамияти сари йўл олибди. Қарангки, иш ҳам хамирдан қил суғургандек осон кўчибди. Яъни ўртада 2000 дона резина уруғ тозалагичлар олди-сотдиси билан боғлиқ контрактация шартномаси имзоланибди. "Оролсувқурилишсавдо" жамияти шартнома шартларини зумда адо этибди. Лекин навбат "Тахтакўпирдон"га келганда, иш режаси барбод бўлибди.

"Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамиятидаги мутасаддилар уч оғайни "ботир"лар ваъдасини кутибди, узоқ кутибди. Аммо натижа чиқмабди. Қуруқ ваъдалар гирдобида бармоқ тишлаб қолган оролчилар учала "ботир"ни хўжалик судига берибди. Уч оғайни "ботир"лар эса, суд мажлисига боришмабди. Лекин барибир, қонун қонунлигини қилиб, масала Фуқаролик кодекси, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида адолатли ечим топибди. Яъни суднинг ҳал қилув қарорига биноан, "Оролсувқурилишсавдо" масъулияти чекланган жамияти фойдасига "Қўнғирот ун заводи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 1.798.800 сўм миқдоридаги асосий қарз, 899.400 сўм миқдоридаги устама, "Тўрткўлдон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 3.985.000 сўм миқдоридаги асосий қарз, 1.897.220 сўм миқдоридаги устама, "Тахтакўпирдон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан 2.000.000 сўм миқдоридаги асосий қарз, 1.000.000 миқдоридаги устама ундириб олинадиган бўлибди.

Шу-шу уч оғайни "ботир"лар бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган, қонун талабларига нописандлик билан қарамайдиган бўлишибди.

**Ойбек МАТКАРИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Bugunning gapi

***Шартнома ўз номи билан бажарилиши шарт бўлган қонуний ҳужжатдир. Контрактация шартномаларини тузиш чоғида ҳуқуқшуносларнинг ҳам иштирок этиши қонунийлик ва кафолат мезонларини янада мустаҳкамлайди.***

***Бироқ шартнома мажбуриятларини ўлда-жўлда бажариб, ўз оёғига ўзи болта ураётган ишлаб чиқариш субъектлари ҳам ҳаётда учраб туради.***

# ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАДИ



Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бугун бир марта ўтган жойингиздан иккинчи марта ўтганингизда ойнадай ярқираб турган кўча, замонавий бино ё гузар, қўйингчи, бирор-бир дилтортар сўлим масканни кўриб, кўнглингиз яйрайди.

Афсуски, баъзан бош пудратчилар контрактация шартномаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйиб, бажарилган иш учун ҳақ тўлашни турли баҳоналар билан пайсалга солиш ҳолатлари учраб турибди. Мисол сифатида айтганда, шартномада белгиланганидан ҳам қисқа муддатда академик Ғафур Ғулом уй-музейи ва унинг атрофидаги объектларни қайта таъмирлаган "Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести" сансалорлик оқибатида ҳақини ололмай сарсон бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли "Шаҳарйўлқурилиштаъмир" трести бошқарувчиси Р.Султонов 2004 йил 13 январда Тошкент шаҳар адлия бошқармасига йўллаган аризасида, жумладан, қуйидагиларни ёзади:

"Буюртмачи "Турон–Марказқурилиш" акциядорлик жамияти ҳамда Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести ўртасида 2003 йил 20 апрелда 24 а-сонли пудрат ишлари бўйича шартнома тузилган эди.

Шартномага биноан "Шаҳарйўлтаъмирқурилиш" трести ўз зиммасига олган барча қурилиш пудрат ишларини ва мажбуриятларини белгиланган муддатда, келишилган тартибда тўлиқ бажарган. Афсуски, "Турон–Марказқурилиш" АЖ томонидан ҳақ тўлашни пайсалга солиб келинмоқда.

2004 йил 19 январдаги таққослаш баённомасига мувофиқ бош пудратчи корхонамизга 27863537 сўм тўлаши лозим.

Ушбу маблағни ундириш мақсадида "Турон–Марказқурилиш" корхонасига талабнома тақдим этилганига қарамай ҳеч қандай жавоб ололмадик. Бу билан **"Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 18-моддаси бузилган деб ҳисоблаймиз.

Шартномада белгиланган маблағнинг тўланмагани оқибатида режада белгиланган йўл қурилиш ва таъмирлаш ишларига ҳам путур етказилмоқда".

Ҳақиқатдан ҳам, контрактация шартларига мувофиқ **"Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш"** трести томонидан амалга оширилган қурилиш-пудрат ишлари "Турон–Марказқурилиш" ОТАЖ томонидан шартноманинг 4.2-бандида белгиланганидек, 2003 йил май-июн ойларида 3-шаклдаги далолатномаларга биноан қабул қилиб олинган.

Шунингдек, шартноманинг 4.2-бандига асосан бош пудратчи қабул қилиш акти тузилгач, ҳисоб-китобни амалга ошириши лозим эди. Лекин 2004 йил 1 январда томонлар ўртасида тузилган ўзаро таққослаш баённомасига мувофиқ 27.863.537 сўмлик тўлов амалга оширилмаган.

Шартноманинг 9.5 бандида бажарилган ишлар юзасидан тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов маблағини 0,4 фоиз ҳисобидан, лекин кечиктирилган тўлов маблағини 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда устама тўланиши қайд этилган.

Шу ўринда ўз-ўзидан бир савол туғилади: наҳотки, бош пудратчи 27.863.537 сўм асосий қарзга 13.931.768 сўм устама пулини қўшиб ҳисоблаганда, 41.795.305 сўм тўловни қуртдай қилиб тўлашини ёдидан чиқаран бўлса? Йўқ, хат-саводли одамлар буни унутганлари йўқ. Улар бошқа нарсани — масъулиятни унутишган кўринади.

Раҳбарлар ўз вазифасига нисбатан эътиборсизликларини маблағ тақчиллиги билан оқлашлари инсофданмикин? Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилади, деган гап бежизга айтилмаган.

Қисқаси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси "Шаҳарйўлқурилиштаъмир" трести манфаатларини кўзлаб, Тошкент шаҳар хўжалик судига 214-13/2-рақамли 41.793.305 сўм ундириш тўғрисида даъво аризаси киритди.

Тошкент шаҳар хўжалик суди ушбу масалани кўриб чиқди ва даъво талабини қисман қаноатлантирди.

Суд Фуқаролик кодексининг 326-моддасини қўллаб, даъво ариза билан ундирилиши сўралган устамани 20 фоиз миқдорида қаноатлантириши тўғрисида хулосага келди.

Устама миқдорини камайишига асосий сабаблардан бири шартноманинг 4.1-банди бўлди. Унда, жумладан, бош пудратчи мазкур шартнома имзолангандан сўнг 15 кун ичида ёрдамчи пудратчи ҳисобига шартнома қийматини 15 фоиз миқдорида бўнак тўловини амалга ошириши лозимлиги қайд этилган. Натижада бўнак пулини кутмай иш бошлаган қурувчилар энди бундай хатога йўл қўймайдиган бўлишди.

Қисқаси, "Турон–Марказқурилиш" очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан "Шаҳарйўлқурилиштаъмир" трести фойдасига 27863537 сўм асосий қарз, 2786354 сўм устама ва 4000 сўм почта харажатлари, жами — 30653891 сўм ундириладиган бўлди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан жорий йилда биргина "Шаҳарйўлқурилиштаъмир" трести манфаатларини кўзлаб, судга 2.355.944.372 сўмлик 17 та даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан 2.062.515.099 сўми қаноатлантирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, шартнома шартларига амал қилиб, унга қонуний ҳужжат сифатида қараган мутасаддилар юқорида келтирганимиздек, ҳамёнидан айрилиб қолмайдилар.

**Зафар ОЛИМОВ**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Taassuf

***Бугун қонунга амал қилган, ўз фаолиятини ана шу мезонлардан келиб чиқиб, ташкил қилаётган тадбиркорлар, фермерлар кам бўлаётгани йўқ. Аксинча, қонунни менсимай, унга амал қилмай, шартнома шартларини бажармаётган айрим фермерлар охир-оқибатда ер чизиб қолмоқдалар. Пахтаобод туманидаги "Нурхон" фермер хўжалигининг бугунги аҳволи ҳам фикримизни исботлайди.***

# ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОНМИ?



— Фермер хўжалигида бутун оиламиз билан меҳнат қиламиз. Оила аъзоларимиз сони 15 нафардан ортиқ. Уч ўғил, уч келин, ҳаммасининг тирикчилиги шундан. Тўғриси, фермер хўжалиги катта бир оиланинг боқувчисига айланганди. Агар фермер хўжалигининг ишларини ўнглаб олишга имконият берилса, ўзимнинг ҳалол меҳнатим билан сизларнинг ишончингизни оқлайман, — деди «Нурхон» фермер хўжалиги раҳбари Орифжон Мирзаев суд иштирокчиларига умид билан боқиб.

Унга қараб туриб, кишининг кўнглидан беихтиёр шундай савол ўтади: фермер хўжалигини тугатиш шартмиди?!

Хўш, аслида фермер хўжалиги нега тугатилди? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Шу ўринда гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, 1992 йилда ташкил этилган "Мирзаев Орифжон" деҳқон (фермер) хўжалигининг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари сақланган ҳолда чорвачиликка ихтисослаштирилган меросхўри ҳисобланган "Нурхон" фермер хўжалигининг Низоми Пахтаобод туман ҳокимининг 1998 йил 30 октябрдаги қарори билан қайта рўйхатга олинган. "Нурхон" фермер хўжалиги билан Пахтаобод тумани хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонаси ўртасида тузилган шартномага кўра, 6 гектар ер ижарага берилган. Ушбу шартнома ҳам давлат рўйхатидан ўтказилган.

Афсуски, фермер хўжалигининг раҳбари Орифжон Мирзаев ўзига берилган имкониятлардан унумли фойдаланмади. Аниқроқ айтганда, фермер хўжалиги фаолиятини амалдаги қонунлар асосида йўлга қўя олмади. Фермер хўжалиги 6 гектар ер майдонига эга бўлса-да, атиги 24 бош моли бўлиб, ўзининг суд мажлисида берган баёнотига қараганда, уларни ҳам қўшни Республикадаги қариндошларига бериб юборган. Аммо ундан ушбу ҳолатни тасдиқловчи божхона ҳужжатлари талаб қилинганда, у судга тақдим қила олмади. Суд унинг 24 бош моли борлиги ҳақидаги важларини асоссиз деб топди.

Яна шуниси қизиққи, суд мажлиси жараёнида суд таркиби фермер хўжалиги эгаллаб турган ердан фойдаланишнинг аҳволини кўздан кечириш учун боришга ҳозирлик кўра бошлаганда, хўжалик бошлиғи Орифжон Мирзаев оёқ тираб туриб олди. Аввалига боришга ҳожат йўқ деди. Кейин эса озуқа экинлари учун ижарага берилган ерга шоли экканини айтди. Бу билан фермер хўжалиги ўзига ижара шартномаси асосида берилган ердан мақсадли равишда фойдаланмаётганлигини билдирди. Бундан ташқари, фермер хўжалиги 2004 йил 23 сентябргача ҳисобланган солиқларни ҳам тўламай келган. ДСИ томонидан унинг боқиманда бўлган 309673 сўмлик қарзини ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилган.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Фермер хўжалиги бошлиғи Орифжон Мирзаев чорвачилик билан астойдил шуғулланиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ўрнига фермер хўжалигини юритиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлари учун уч марта судланди. Охирги марта жиноят ишлари бўйича Пахтаобод тумани судининг шу йил 5 август кунидаги ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 167-моддасининг "а" банди ва 209-моддасининг 2-қисми "а" банди билан 1.686.400 сўм жарима жазосига ҳукм қилинган эди.

Ўзининг ноқонуний фаолияти учун аччиқ кўз ёшлари тўкишга тўғри келган яна бир фермер Улуғнор туманидаги "Шоҳжаҳон–2" фермер хўжалигининг раҳбари Комила Эралиевадир. Ушбу фермер хўжалигига ҳам туман ҳокимининг қарори ва Мирзажон Эминов номидаги ширкат хўжалиги билан тузилган ижара шартномасига асосан 34,9 гектар ер майдони ўн йил муддатга ижарага берилган эди.

Ижара шартномаси ҳамда маҳсулот етиштириб бериш бўйича тузилган контрактация шартномасига кўра, 15,6 гектар ерга буғдой, 19,3 гектар ерга пахта экишга келишилган эди. Лекин фермер ўзбошимчалик билан, ердан белгиланган мақсадларда фойдаланмасдан 3,9 гектар ер майдонига полиз экинлари, аниқроғи, қовун экиб олган. Бунинг устига дон, пахта хомашёси топшириш шартнома топшириқлари ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди.

Ҳар иккала фермер хўжалигининг ижара шартномаси талабларини бузиб, ердан мақсадсиз фойдалангани, бошқа экин экиб тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келгани учун ижара шартномаси вилоят хўжалик суди орқали бекор қилиниб, ер участкаси олиб қўйилди. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасига кўра бундай ҳолат фермер хўжалигини тугатишга асос бўлади.

Хулоса шуки, тадбиркорлик ҳар бир кишидан ташаббускорлик, масъулият ва интилувчанликни талаб қилади. Ташаббускорликни етишмаслиги, ишга панжа орасидан қараш, ўз манфаатиниҳамма нарсадан устун қўйиш эса охир-оқибат юзшувутликка олиб келади.

**Малоҳат СОБИРОВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Huquqiy sharh

# ИСБОТЛАШ МЕЗОНИ ВА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Моддий ҳуқуқ ҳукмрон одил судлов тизимида шахс томонидан содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларда жиноят аломатларининг мавжудлиги етарли бўлиб, уни содир этишда айбланиб, суд қилинаётган шахсга нисбатан тўпланган далилларни қандай усул ва воситалар билан тўплангани "процессуал ҳуқуқ" ҳукмрон бўлган давлатлар сингари ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Лекин бу жиноят процессуал қонунларида белгиланган тартибга риоя этилмасдан олинган ҳар қандай далил шахснинг айбини исботлаш учун асос бўлиши мумкин, деган фикрни ҳам англатмайди. Мамлакатимизда амалда бўлган Жиноят процессуал кодексининг 81–95-моддаларида далилларнинг турлари, ким томонидан олиниши, расмийлаштирилиши, уларнинг мақбуллигига баҳо бериш тартибининг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб қўйилган. Шу боис одил судловни амалга оширишда суд-тергов идоралари ушбу меъёрдан ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бошқа ҳуқуқий асослар талабларидан келиб чиққан ҳолда шахснинг айбдорлигини исботловчи далилларга баҳо беради.

Баъзан ҳаётда исботлаш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан шахсни жиноят содир этишда айбдорлигини исботлаш учун ғайриқонуний усуллар билан йиғилган далиллардан фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу одатда, қонун талабларини яхши тушунмаслик, баъзан эса уни била туриб, шахсни атай айбдор қилиш мақсадида ғайриқонуний усуллардан, хусусан, қонунга зид ҳолларда олинган далиллардан фойдаланишда намоён бўлади.

Амалиётда далилларни тўплаш, расмийлаштириш, текшириш ва баҳо беришда юзага келаётган айрим камчиликларни бартараф этиш, қонун талабларини қўллашда бир хилликни таъминлаш мақсадида Республика Олий судининг Пленуми томонидан 2004 йил 24 сентябрда муҳим қарор қабул қилинди.

**"Далиллар мақбуллигига оид жиноят процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"** деб аталган ушбу қарор моҳиятэътибори билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, Конституция ва Жиноят процессуал кодекси талабларини тўлиқ бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, далилларнинг мақбуллигига оид қарор одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган тарафларнинг тенглигини таъминлаш, тортишув ва қонунийлик тамойилларини суд амалиётида қўллашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, далиллар ва исботлашга оид ҳуқуқий меъёрларда қандай ҳолат ва тартибда жиноят иши материалларида мавжуд у ёки бу далилни қонунга зид равишда олинганлиги туфайли номақбул далил деб топиш мезонлари белгиланмаганлиги боис амалиётда айрим муаммолар юзага келаётган эди.

Жиноят процессуал қонунчиликда далилларни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатлар ўтказишга ваколатли бўлган мансабдор шахслар доираси кўрсатилган бўлса-да, баъзан амалиётда ваколати бўлмаган шахслар томонидан (масалан, прокурор ёрдамчиси, оператив хизмат ходими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага жамоатчилик асосида ёрдам бераётган шахс) далилларни тўплаш, расмийлаштириш ҳоллари ҳам амалиётда учраб туради.

Шунингдек, баъзан далилларни суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг терговчи прокурорнинг ёзма топшириғисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олиш, белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан тергов ҳаракатини ўтказиш ёки ишда иштирок этишга монелик қиладиган асослар мавжуд бўлган ҳолда рад этилмасдан бу шахслар томонидан тергов ҳаракатини ўтказиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Жиноят процессуал қонунчиликда далилларни тўплаш жараёнида ҳар бир далил ишга алоқадор бўлиши, қонуний манбадан олиниши ва ишончга сазовор бўлиши сингари мезонлар акс эттирилгани боис, жиноят иши бўйича маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, аноним хабарлар, турли миш-мишлар, шунингдек, жиноят процессуал қонунида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлар вақтида олинмаслиги лозим.

Олий суд Пленумининг **"Далиллар мақбуллигига оид жиноят процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарори юқорида баён этилган камчиликларни бартараф этиб қолмай, суд-тергов ходимлари зиммасига шахсни айбдорлигини исботлаш учун қонун талабларига қатъий риоя этиш масъулиятини яна бир карра юклайди.

Мазкур Пленум қарорининг аҳамиятини чуқурроқ англаш учун адвокатлик амалиётимда учраган бир ҳолатга тўхталмоқчиман. Жиноят иши бўйича бир шахснинг ҳимоячиси сифатида иштирок этаётганимда иш материалларидаги тинтув қилиш, далилий ашёни олиб қўйиш ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилганини тасдиқловчи баённомаларда "холис" сифатида фуқаро "Н" ва "С"нинг имзолари мавжуд эди. Қизиқ томони шундаки, бу фуқаролар мен илгари ҳимоячи сифатида иштирок этган жиноий ишда ҳам "холислик" вазифасини ўтаган эди. Шу боис менга шубҳали туюлган бу ҳолатга аниқлик киритиш учун қилган саъй-ҳаракатларим натижасида шу нарса аён бўлдики, бу "азаматлар" олти ойдан буён келажакда ички ишлар хизматига ишга кириш учун жамоатчилик асосида "ўз хизмат вазифасини" бажарар, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда кўнгилли сифатида ёрдам берар ва амалда ўтказилмаган ёки қонунда белгиланмаган тартибда амалга оширилган тергов ҳаракатлари ўтказилганлиги ҳақидаги баённомаларни "ҳақиқийлигини" тасдиқлаб имзо чекар экан. Ваҳоланки, ЖПКнинг 73-моддасида тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган шахсгина холис бўла олиш мумкинлиги белгиланган.

Олий суд Пленуми қарорида далилларни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаганлиги ҳақидаги бир неча ҳолатга, хусусан, **"тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштироки"**да олинган далилни номақбул деб топилиши ва далиллар мажмуасидан чиқариб ташланиши лозимлиги ҳақида шарҳ берган.

Шунингдек, адвокатлик амалиётидан маълумки, баъзида жиноят содир қилган ёки уни содир этишда гумон қилинаётган шахс дастлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилиниб, ўзининг айбдорлигини тасдиқловчи кўрсатмаларни олишга мажбур қилинади. Агар у кўрсатма бермаса, гувоҳ сифатида кўрсатма беришдан бош тортганлиги ёки ёлғон кўрсатма берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Ҳолбуки, бундай огоҳлантириш амалдаги қонунчиликка асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига эмас, балки иш бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилиши лозим. Олий суд Пленуми амалиётида учрайдиган бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчидан суриштирув ёки дастлабки тергов даврида кўрсатув беришини рад этганлик ёки ундан бўйин товлаганлик ва ёлғон кўрсатув берганлик учун огоҳлантирилган ҳолда ўзини фош этувчи ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида кўрсатув олишини номақбул далил деб топиладиган асослар қаторига киритган. Бинобарин, бундай усулда олинган далил шахснинг айбдорлигини исботлашга хизмат қилиши мумкин эмас.

Пленум ўз қарорида далилни номақбул деб топиш масаласи суриштирув ва дастлабки тергов даврида гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили томонидан, шунингдек, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ташаббуси билан суд мажлисида эса, тарафлар ёки суднинг ташаббуси билан қўйилиши мумкинлиги таъкидлаган. Ўрни келганда эътироф этиш керакки, суд мажлисида тарафлардан бири бўлган ҳимоячилар ҳар доим ҳам процессуал вазифалардан фаол фойдаланиб, хусусан, жиддий асослар мавжуд бўлса-да, дастлабки тергов даврида тўпланган у ёки бу далилни номақбул топиш ҳақида судга "илтимоснома" киритавермайди. Бунинг сабаби шу пайтга қадар далилларнинг тааллуқлиги, асослиги ва мақбуллигига оид суд амалиётини тартибга солувчи, тушунтириб берувчи бирор-бир раҳбарий кўрсатманинг йўқлиги ва судлар томонидан бу ҳолатга етарли эътибор берилмаслиги билан изоҳланади, деб ўйлайман.

Хулоса ўрнида айтганда, Олий суд Пленумининг мазкур қарори нафақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судларга, балки тарозининг иккинчи палласида турувчи гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди Зеро, ҳимоясидаги шахсга нисбатан қонунга хилоф равишда олинган далилларни номақбул деб топиш ҳақида адвокат томонидан суд мажлисига киритилаётган ҳар бир асослантирилган илтимосномани холис ҳал этилиши ишни қонуний ва адолатли якун топишига ёрдам беради.

**Бахром САЛОМОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

Asr vabosi

# ГИЁҲВАНДЛИК: КЕЧА ВА БУГУННИНГ МУАММОСИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

1994 йил май ойида наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси аъзолари, барча ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, суд, тиббиёт ва экология идоралари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шунингдек, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида 14 тонна, 1994 йил бошидан ҳозиргача эса жами 36 тоннадан ортиқ гиёҳванд моддалар махсус печларда ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинди.

Бу моддаларнинг асосий қисми қўшни Афғонистондан кириб келган ва уюшган жиноий тўдаларнинг норкодилерлари томонидан мамлакатимиз ҳудудлари орқали Ғарб мамлакатларига олиб чиқиб кетилаётганда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинган.

Энг даҳшатлиси шундаки, бу жиноятларнинг асосий қисми бошқа мамлакатлар билан алоқада бўлган уюшган гуруҳлар томонидан содир этилмоқда. Улар ёлланган оддий одамлардан фойдаланиб, махфий жойлардан от-уловларда, махсус техникавий воситаларда ва ҳатто одамларнинг таналари ичида яшириб, мамлакатимиз ҳудуди орқали Россияга ва бошқа Европа мамлакатларига олиб чиқиб кетишга уринмоқдалар.

Янада ачинарлиси наркодилерлар кўпинча гиёҳванд моддаларни ташиш учун МДҲ мамлакатларида истиқомат қилаётган аёллар, қариялар ва ҳатто вояга етмаган ёшлардан ҳам фойдаланмоқдалар. Масалан, мазкур жиноят учун жавобгарликка тортилган 64 нафар фуқаронинг 27 нафари Тожикистон, 17 нафари Қирғизистон, 4 нафари Россия, 7 нафари Туркманистон, 6 нафари Қозоғистон Республикаларининг ва 3 нафари эса бошқа хорижий мамлакатларнинг фуқароларидир.

2004 йил 19 февралда Тожикистон Республикасининг Турсунзода туманидан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани орқали 79 килограмм героин моддасини айланма йўллар билан отларда олиб ўтаётган 4 нафар фуқаро қўлга олинди ва жазога тортилди.

2004 йил апрель ойида Тожикистоннинг Сўғд вилоятидан Тошкент вилоятининг Бекобод тумани орқали айланма йўллар билан салкам 12 килограмм героин моддасини "Мерседес Бенц" автобусининг махфий жойига яшириб олиб ўтаётган 2 нафар Қирғизистон фуқароси қўлга олинди.

2004 йил 7 сентябрда Андижон вилояти Миллий хавфсизлик хизмати ва Божхона қўмитаси бошқармаси ходимлари томонидан "Андижон-Тюмень" маршрути бўйича учувчи самолётга чиқаётган 4 нафар аёл "қўлбола" тикилган ҳар жуфт оёқ кийимларининг тагликлари орасида 0,5 килограммдан, жами 2 килограмм героин моддасининг яширинча олиб ўтиб кетмоқчи бўлганларида қўлга олинган.

Гиёҳванд модданинг яшириб ўтишнинг антиқа усулидан фойдаланиб, "Душанбе-Астрахан" йўналиши бўйича кетаёган поездда саломатлиги ёмонлашиб қолган Тожикистон фуқароси Д.Ошимамадованинг ошқозонидан 459,8 грамм героин чиққан ва у ошқозони ёрилиб кетиши оқибатида вафот этган.

Шу ўринда бошқа бир масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни гиёҳвандликка берилиб кетган шахсларни озодликдан маҳрум қилишдан ташқари уларни бошқа қонуний ва ҳуқуқий асослар билан давлат кўмагида ижтимоий ҳаётга қайтариш масаласидир.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилган дастлабки йилларданоқ, аср вабосига қарши курашни сусайтирмаган ҳолда ушбу жиноятга дахлдор шахсларга фақат жазо тайинлашу, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборат кураш усулини қўллашга зўр бермай, балки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазо тайинлаш, жазодан озод қилиб, маъмурий жавобгарликка тортиш, шунингдек, бу дардга чалинганларни давлат кўмагида даволаб, фаол ҳаётга, оиласига қайтариш чораларини ҳам кўриб келмоқда.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"**ги қонун юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Бугунги аччиқ ҳақиқат — шафқатсиз маълумотларга қараганда, 2004 йилнинг 1 июлига қадар республикамиз соғлиқни сақлаш идоралари томонидан 19.440 нафар шахс гиёҳвандликка чалинганлик ташхиси билан рўйхатга олинган. Уларнинг 2199 нафари мажбурий равишда даволатилган бўлса, 1935 нафари ихтиёрий равишда даволаниб чиқишган.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларни соғломлаштириш, уларни ўз оиласига, фаол ижтимоий ҳаётга қайтариш учун халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай шахсларни ҳисобга олиш ва суд орқали мажбурий даволашга юбориш, мажбурий даволашни таъминловчи зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида илк марта ихтисослаштирилган даволаш — олдини олиш муассасалари ташкил этилиб, тиббий муолажанинг замонавий, янги усуллари амалда қўлланилмоқда.

Суд идоралари тегишли муассасалар билан ҳамкорликда гиёҳвандликка чалинган шахсларнинг ижтимоий хавфли ҳаракатларини бартараф этиши натижасида гиёҳванд воситалар билан боғлиқ ва гиёҳванд моддалар таъсирида содир этиладиган жиноят турларининг миқдори сезиларли даражада камайганлиги кузатилмоқда.

Аср вабосига қарши курашда, гиёҳвандликнинг ўсиши ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, ёвуз наркобизнес йўлига ҳаммамиз ҳамкорликда мустаҳкам тўсиқ қўйишга чоғлансак, жамоат тартибини, одамлар соғлигини, юрт осойишталигини, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга катта ҳисса қўшган бўлардик.

**З. ИСАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси**
**С. СИРОЖИДДИНОВ,**
**журналист**



*Муқаддас қадамжолар*

Nadomat

# ҚАЛТИС ҚАДАМ ОҚИБАТИ

Асанали Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган "UzCaceServise" қўшма корхонасида эҳтиёт қисмлар бўйича мутахассис лавозимида бинойидек ишлаб юрган эди. Нима бўлди-ю, у нафс қутқусига учди, борига қаноат қилмай, мўмай даромад орттиришни ўйлай бошлади.

Шу йилнинг 28 апрел куни корхонага ишга жойлашиш масаласида маслаҳатлашиш учун ҳузурига келган Ҳабибулла Абдураҳмонов Асаналининг кўзига шончли ҳамкордек туюлди. Шу боис у гап орасида суҳбатдошига қўлида "Кейс" русумли тракторларнинг мотор мойи борлигини, уни енгил автомашиналарга ҳам бемалол ишлатиш мумкинлигини қистириб ўтди. Суҳбат якунида эса у Ҳабибуллага 18,93 литр мотор мойини 44.000 сўмга сотиб олишни таклиф қилди.

Ҳабибулла хуфия олди-сотди билан шуғулланмаслигини айтиб, унинг таклифини рад этди.

Бироқ Асанали жиллақурса мижоз топиб берасан, деб оёқ тираб туриб олди. Ҳабибулла ноилож бу таклифни ўйлаб кўришини, агар мижоз топса, келишилган куни хабар беришга рози бўлди.

Шу йилнинг 1 май куни А.Эндибоев жиноий режасини амалга ошириш учун Чиноз туманига йўл олди. У бу ердаги "Таъминотчи пахта" акциядорлик жамияти бош омборчиси Й.Жўрабоевга "Кейс" русумли тракторнинг мотор мойига мижоз топганини маълум қилди. Гарчи Йўлдош Жўрабоевнинг мазкур товарни сотишга мутлақо ҳақи бўлмаса-да, у Асаналига бир оғиз ҳам эътироз билдирмади. Аксинча, 350 минг сўм пул берса, мойни сотишини айтди. Шундан сўнг ҳамтовоқлар орадан икки кун ўтгач, мойни олиб кетишга келишишди.

Белгиланган кунни сабрсизлик билан кутган Асанали тонг отиши билан ўзига бириктирилган "САНГЁНГ" русумли хизмат машинасини ўқдай елдириб, Чиноз туманига етиб келди.

Йўлдош Жўрабоев эса шеригига омбордаги мойни олиб берди.

Асанали мойни уйга олиб келиб, ишхонасига борганда ўзини кутиб ўтирган Ҳ.Абдураҳмоновга кўзи тушди.

Ҳабибулла ваъда қилинган трактор мойини сотиб олишга келганини айтганда, Асанали қувонганидан уни қучоқлаб олди.

Лекин вақт кеч бўлгани учун эртага келишини тайинлади.

Эртаси куни А.Эндибоев Ҳ.Абдураҳмоновни ўз хизмат машинасига ўтказиб, уйига олиб борди. Асанали олдиндан келишилган 440 минг сўм пулни қуртдай санаб олаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят устида қўлга тушишини хаёлига ҳам келтирмаган А.Эндибоев кутилмаган бу воқеадан довдираб қолди. Чунки у фуқаро Ҳ.Абдураҳмоновнинг мутасадди идорага мурожаат қилгани ва унинг ҳар бир қадами кузатилиб келинаётганидан бехабар эди-да...

Шу йилнинг 27 июл куни ушбу жиноят иши жиноий ишлар бўйича Тошкент вилояти судида кўриб чиқилди.

Суд Асанали Эндибоев ва Йўлдош Жўрабоевга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробари миқдорида, яъни 544.000 сўмлик жарима жазоси тайинланди. Шу тариқа мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл урган икки ҳамтовоқ эл олдида изза бўлишди.

**Отабек РАҲИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Jinoyatga jazo muqarrar

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

## СУД ОЧЕРКИ

***Орзу-ҳавасннинг чегараси йўқ. Айниқса, ёшлик палласида. Ҳали йигирма бешга тўлиб-тўлмаган Қудратилла (исмлар ўзгартирилган)нинг ҳам кўнгли орзуларга лиммо-лим эди. Бир орзуси катта тўй-томоша қилиб, кўз остига олиб қўйган Сурайёга уйланиш бўлса, яна бири яп-янги енгил машина олиш эди.***

Орзуга айб йўқ. Қолаверса, Қудратилланинг орзулари шунчаки хомхаёл, ҳавойи бўлмай, рўёбга чиқиши мумкин эди. Қашқадарёда нима кўп, ер кўп, мол-қўйларни истаганча кўпайтирса бўлади. Фақат бунинг учун озгина вақт керак, холос.

Қудратилланинг эса кутишга тоқати йўқ эди. У пулни тез ва осонроқ топиш йўллари устида тинмай бош қотирар эди.

Қудратилла ўйлаб-ўйлаб ҳамқишлоғи Омад Раҳимовга маслаҳат сўраб мурожаат қилди. Нима учун у қишлоғидаги кўплаб баобрў кишилар қолиб маслаҳат олиш учун Омадни танлади? Гап шундаки, у бу одам ёшлигида жуда тез бойиб кетган, деб эшитган эди. Лекин Омад Раҳимовни кўпчилик хушламасди, орқаворотдан уни "каззоб", "ўғри" деб таърифларди.

Қудратилла буни билар, билса-да, бу Омад Раҳимовни кўра олмайдиган одамларнинг гапи, деб ўйлар эди.

Қудратилланинг келиб-келиб айни шу кимсадан маслаҳат сўрашга аҳд қилганлиги, кейинчалик эса унинг чизган чизиғидан чиқмай ҳаракат қилганлиги унинг жуда катта хатоси, келажакда содир этадиган оғир жинояти томон қўйган машъум қадам эди.

Омад Раҳимов Қудратилланинг гапларини диққат билан тинглаб, унинг муддаосини билгач, ич-ичидан мамнун бўлди. У ҳар бир нарсадан ўзи учун манфаат қидирадиган одам бўлгани учун Қудратилладан ҳам усталик билан фойдаланиш мумкин эканлигидан суюниб кетди.

— Бирон-бир иш қилишинг учун дастмоя керак, биродар. Пулинг бўлмаса, минг чиранганинг бефойда. Сенга бир йўлини кўрсатайми, аммо сал қалтисроқ, бўлаверадими? — у Қудратиллага савол назари билан қаради.

— Бўлаверади! — деди ҳозиржавоблик билан Қудратилла.

— Кечки пайт дала йўлига чиқсанг, подадан адашган битта-иккита молга кўзинг тушади. Шуларни тунда менинг олдимга ҳайдаб кел, меҳнатингга яраша чойчақангни олаверасан.

— Бу ўғрилик-ку?

— Бировнинг эшигини бузиб, молини олиб чиқсанг — ўғрилик. Мен сенга подадан адашган моллар тўғрисида гапираяпман, хумпар! – деди Омад Раҳимов. — Бойийман десанг, дадил ҳаракат қилавер, асло чўчима.

Шундай қилиб, Омад Қудратиллага ўғрилик қилиш учун "оқ фотиҳа" берди.

Қудратилла "маслаҳатингдан ўргилдим", деб ўрнидан ирғиб туриб, Омаднинг юзига тупуриши, ўзига маъқул тушадиган бошқа юмуш билан шуғулланиш чорасини кўриш лозим эди.

Йўқ, у ўрнидан ирғиб ҳам турмади, Омад Раҳимовнинг юзига ҳам тупурмади, ерга қараб сукут сақлаб тураверди...

Қудратилла дастлаб далада боғлаб қўйилган учта қора молни ўғирлади ва уларни Омад Раҳимовнинг қўлига олиб келиб берди.

— Яна бўлса, олиб келавер, — деди у Қудратиллага ўғирланган моллар учун пул берар экан.

Қудратилла ўғирликлари фош бўлмай ишни хамирдан қил суғургандай бажараётганидан, қўлига пул тушиб, ўзини ишбилармон кишилардай ҳис қила бошлади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Jahon tajribasi

# БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИДИР

***Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб дунё миқёсида Ювенал юстицияга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб қуйида ювенал юстициянинг пайдо бўлиши, ривожланиш тарихи ва истиқболи ҳақида фикр юритишни лозим топдик.***



Ювенал юстиция — балоғат ёшига етмаган болалар ишлари бўйича одил судлов юритувчи идоралар тизими, суд соҳасининг ўзига хос ҳуқуқ меъёрлари мажмуи ва процессуал тамойиллари, судлов ҳокимиятини амалга оширишнинг алоҳида шакл ва усуллари тизимидир.

Ювенал суд биринчи марта 1899 йилда АҚШнинг Иллинойек штатида ташкил этилган. Бу судни ташкил қилишдан кўзланган мақсад — вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни алоҳида ва муҳим муаммо сифатида кўриб чиқишдан иборат бўлган.

XIX аср охири ва XX аср бошида Европада вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин ошиб кетиши суд тизимида вояга етмаганлар ишларини юритишга алоҳида эътибор беришга олиб келди. Бу ҳол АҚШнинг бошқа штатларида ҳам ювенал судларини ташкил этишга туртки бўлди. Шунингдек, 1908 йилда Буюк Британияда, 1912 йилда Франция, Бельгияда, 1918 йилда Испанияда, 1922 йилда Германияда, 1923 йилда Австрияда ювенал судлари ташкил топади.

1931 йилга келиб дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларида ювенал судлари фаолият кўрсата бошлади. Ювенал юстициянинг асосий вазифаси адолатли судловни қонун талаблари асосида ҳам моддий, ҳам процессуал томондан, шунингдек, бу борадаги халқаро андозаларга риоя этган ҳолда амалга оширишдан иборат эди.

Дунё ҳуқуқий тажрибасида ювенал юстицияга алоҳида судлов юрисдикцияси мақоми берилган. Бундай юрисдикцияга фақат вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича судлар эгадир.

Шунга кўра, суд ҳокимияти ювенал юстициянинг алоҳида ҳуқуқларига тааллуқлидир. Суд ҳокимиятини амалга ошириш нуқтаи назаридан ювенал юстициянинг ўзига хос жиҳати шундаки, судлов амалиётида умумжиноий жараёндаги умумий юрисдикция судига нисбатан вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича суднинг устуворлиги яққол намоён бўлади. Бунинг сабаби ювенал юстиция доирасидаги судлов жараёнининг энг асосий тамойилларидан бири жараён марказида фақат икки киши — судья ва вояга етмаган ўсмир туради.

Ювенал юстициянинг яна бир ўзига хос томони шундаки, вояга етмаган болалар ишлари бўйича одил судловни юритишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиши муҳим ҳисобланади. Фуқаролик жамияти институтининг ювенал юстиция фаолиятига жалб этилиши аввал бошданоқ илк "болалар" судини ташкил этувчилар томонидан унинг фалсафа ва концепциясига киритилган. Бунда фуқаролик жамиятининг ювенал юстиция доирасида фойдаланиш жараёнида унинг самарасини ошириши мумкин бўлган муайян тамойилларга таянилган. Ана шу ишонч охир-оқибат ўзини оқлагани диққатга сазовордир.



Фуқаролик жамиятида ана шундай ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, турли хил ижтимоий жамғармалар ташкил этиладики, уларнинг таъсис ҳужжатларида вояга етмаган болаларни турли хил иллатлардан ҳимоя қилиш бўйича ҳаракатлар кўзда тутилган бўлади.

Ювенал юстиция вояга етмаган болалар ишлари бўйича одил судлов сифатида юзага келган ва уни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни назарда тутувчи халқаро ҳамкорлик ғояси, унинг қарийб юз йиллик тарихи давомида, доим диққат-эътиборда бўлиб келганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг асосийси, ўтган давр мобайнида ана шу халқаро ҳамкорлик натижасида **"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"**ги конвенция, **"Вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари" — "Пекин қоидалари",** БМТнинг 1990 йилдаги **"Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари"** ва **"Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари"** — 1990 йилдаги **"Токио қоидалари"** сингари ўта муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, ювенал юстиция бундан кейин такомиллашиб бораверади. Нега деганда, дунёнинг барча давлатларида ўсиб-улғайиб келаётган ёшларга эртанги кун эгалари, ҳаётнинг бардавомлигини таъминлайдиган куч сифатида қаралади. Шу маънода уларни турли хил иллатлардан асраб-авайлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судловни амалга ошириш ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

**Абдумалик ИРСАЛИЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

Aks-sado

# "СЎЗ ИЧРА АҚЛ ЯШИРИНДУР..."

***Фаол сўз барча замонларда ҳам ижтимоий ҳаётнинг ғоятда муҳим жабҳаси саналган. Ўйлаб, топиб, нишонга теккизиб айтилган сўз ҳамиша қадрланган, эл орасида тилдан-тилга кўчиб юрган. Шу маънода, газетада ("Инсон ва қонун", 2004 йил 41-сон) эълон қилинган "Сўз масъулияти" сарлавҳали мақолада долзарб мавзу қаламга олинган, деб ҳисоблайман. Унда айтилган фикрлар барчамизни бирдек ўйлантириши табиий.***

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан кейин тўғри сўзни айтиш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди, сўз эркинлиги қонун орқали мустаҳкамланди. Буни мамлакатимизда муттасил чиқиб турган газета ва журналлар сонидан ҳам, уларнинг мазмун-мундарижасидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Бу борада хусусий нашрларнинг ҳам ўзига яраша ўрни ва аҳамияти сезиларли, албатта. Оммавий ахборот воситаларининг юртдошларимиз онги, дунёқарашига кўрсатаётган ижобий таъсири ҳар қачонгидан кўра салмоқли. Мана шундай бир шароитда айрим хусусий нашр ҳамда радиоканалларда қулоққа чалинадиган "сўзбозлик"лар, афсуски, кишининг ғашига тегади. Баъзи бир сўзамол йигит ва қизларимиз ўз "маҳоратлари"ни намойиш этишга шу қадар берилиб кетишадики, беихтиёр уларни сўз уволи тутмасмикан, деб ўйланиб қоласан киши. Сўз эркинлигини бекорчиликками, бемалолчиликками йўядиган бошловчиларнинг хусусий радиоканалидан таралган мана бу ҳол-аҳвол сўрашишига бир эътибор қилинг: **"Сигир-бузоқларингиз, товуқларингиз омон-эсонми? Товуқлар — одамларнинг дўстлари".** Эҳтимол, бу гап билан бошловчи кайфиятни кўтармоқчи, ҳазил қилмоқчи бўлгандир. Бироқ радиоприёмникдан тараладиган гапни турли ёшдаги кишилар эшитади-ку! Бу уларда қанақа кайфият уйғотиши мумкин?

*(Давоми тўртинчи бетда)*

**Aks-sado**



# “СЎЗ ИЧРА АҚЛ ЯШИРИНДУР...”

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Мана яна бир мисол. Шу йилнинг 28 октябр тонгида бир хусусий радиоканал бошловчиси ўз сўзини “Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал” дея бошлади. Нима демоқчи экан, дея таажжубланиб турсак, гап қуйидагича давом этди: **“Тахтадан ясалган, тугмачаси бор. Бу вешалка. Вешалкани ютиб олмоқчи бўлсангиз, телефон қилинг”**. Алишер исмли тингловчи сим қоқади. Бошловчи: “Олдингизда шовқин-сурон. Самолёт учиб кетяптими?” Алишер “вешалкани менга беринг”, деб ялинади. Яна қўнғироқ: “Алло, ман Дилфуза опангизман”. “Ҳа, тайёрлаб берган сомсаларингизни еб юрибмиз. Анчадан бери норин емаётгандим”; “Мени курткамни ўша вешалкага осиб қўйсангиз, берамиз”... Хуллас, уч-тўрт қўнғироқдан сўнг “вешалка” хусусий радионики бўлади. Бу ўйинда қандай мазмун борлигини билмадик.

Бошловчилар баъзан сим қоққан қизу жувонларга тегажоқлик қилади. “Сиз одамларнинг устидан кулясиз!” қатъий тарзда огоҳлантиради бир аёл. Бошловчи ҳам бўш келмайди: “Йўғ-е, устиданмас, ёнидан”.

Бошқа бир бошловчи ўз ҳамкасбларидан асло қолишмайди. Унинг ишлатган ибораларига эътибор қилинг: “Оёқларингиз оғриб кетмадими еттинчи этажга чиққунча?”; “Бизни эшитадиган бўлсангиз, овқатингиз яхши хазм бўлади”; “Томоғингиз оғривоттими?”; “Диққатлик билан эшитамиз сизни”; “Эътиборингиз марказига ҳавола этмоқчиман”; “Қўшиқ ўз жарангини сочиб ўтади”.

Бундайин энсани қотирадиган, бузиб талаффуз қилинаётган алмойи-алжойи гаплар кимга керак?

“Айрим “супердемократ радио”ларни тинглаб ўтириб, уларда оддий тартиб-интизом ҳам йўқ экан, деган фикрга борасиз. Масалан, 27 октябр соат 14 дан 35 минут ўтганида шундай студиялардан биридаги қий-чув эфирга таралди. “Жасмин ўзбекча гапирди. Бу худонинг иродаси”, деди Дижей Саидаъло. Жасмин қандайдир қўшиқдан парча хиргойи қилди. “Мақомни қалпоқ қип қўйдилар”, деди сим қоққан Азамат... Бундай ҳангомалар кимларга мўлжалланганини билолмадик.

Айтиш жоизки, хусусий радиолардаги русча дастурлар анчайин мазмунли тайёрланади. Дейлик, рангларнинг инсон кайфиятига таъсири ҳақида ажойиб фикрлар айтилади, баъзан бадиий ижод, китобхонлик масалалари ҳам тарғиб қилинади. Бошловчилар ўзларини сипо тутадилар. Қочиримлар, мантиқсиз гаплар ишлатишмайди. Нутқлари тингловчига хуш ёқади. Ҳар ҳолда самимият кайфиятни кўтаради-да. Ўзбек тилида эшиттириш олиб борадиган бошловчилар эса: “Фалончининг шапкаси қанақа рангда?”; “Фалончининг чўнтагида нима бор?”; “Фалончи қандай “сотка” ишлатади?”; “Адресингизни айтворсангиз, кўргани борамиз” сингари бетайин гапларни қалаштиради. Энди тасаввур қилинг, бу гапларни минглаб, ўн минглаб одамлар эшитади. Албатта, уларнинг энсаси қотади, таъби хира бўлади. Энг ачинарлиси, уларнинг вақти ўғирланади. Эфир бекордан-бекорга банд қилинади. Эҳтимол, бу осон пул топишнинг бир усулидир. Хусусий радиоканал ходимлари давлат радиосида ишлайдиган ходимлардек ўз устида ишлаб, ёзиб-чизиб ўтирмасалар керак. Шу боис, кўчанинг гапларини эфирга узатаверишар...

Бу ғарбдаги хусусий радиоларга тақлиддир, десангиз, ғарб радиолари оммага психологик таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Оддийгина ишлатилган сўзнинг ботиний маъноси бўлади. Ҳатто мультфильмлар воситасида ҳам қандайдир ғоялар илгари сурилади.

Ахир, овозда ҳам сеҳр, файз бўлади. Инсон ҳатто бировни овози учун ҳам севиб қолмоғи мумкин. Машҳур бошловчимиз Қодир Махсумовнинг овозини халқимиз нақадар севиб тингларди!

Фикр алмашув, муомала ярофи бўлган сўзларнинг қадрини баланд тутайлик. Улуғ бобомиз Абдулла Авлоний сўз маданияти, тил иффати инсоннинг идроки, заковатидан далолат эканини уқтирган эди. Унинг:

**“Тил гўзаллигини маърифатпарварлик билан боғлаб, ёшликдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватлантирмоқ учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата билан беҳуда ўтказмай, ҳар хил китоб, газета ва журналларни ўқиб, фикримизни оширишимиз лозимдир”**, деган пурмаъно ўгитига хусусий радиоканалларда ўтирган укаларимиз, сингилларимиз ҳам озгина амал қилишга уриниб кўрсалар, ёмон бўлмасди. Тилимизни беҳуда, маъносиз сўзлашга ўргатиб қўймайлик. Зеро, сўз одоби кишининг ахлоқи, муомала маданиятининг кўзгуси. Бу шоир Носир Хисрав таърифлаганидек:

***Сўздир инсон ақлин далили,***
***Сири очилур, сўзлашгач, тили,***
***Сўз ичра мудом ақл яшириндур,***
***Сўз чимилдиғу ақл келиндур.***

Айрим хусусий радиостудиялари эфирга таратаётган “гап-сўзлари”дан ранжиб, уларнинг бошловчиларига шу гапни ҳам айтиш лозим кўрдик: хўш, ўзингизча “Қойил қилдим!” деган ҳангомаларингизнинг харидори борми? Эҳтимол, юзта тингловчидан биттаси сизга қулоқ тутар, бироқ шу тингловчи ҳам бу кетишда, сиздан безиши тайин.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

**Taqdir tarixi**

***Кишининг руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳар қандай хасталик авлоддан-авлодга ўтади, деган гап фанда ҳам, ҳаётда ҳам ўз исботини топган. Масалан, бешафқатликнинг ортидан ҳузр-ҳаловат топиш, лақмалиги туфайли тоабад қийналиб, азоб-уқубатда яшаш ёки босқинчилик сингари бедаво хасталиклар борки, булар эски авлоддан янгисига ўтиб бораверади. Буни ҳатто дунёдаги энг бешафқат кимса сифатида қораланган Андрей Романович Чикотилонинг оиласи мисолида ҳам бемалол кўриш мумкин. Яқинда унинг ўғли Юрий Чикотило ҳам отасига хос бўлган жиноий қилмишларга қўл ургани учун қўлга олинди.***

# ОЛМАНИНГ ОСТИГА ОЛМА ТУШАДИ...

...Кутилмаган ташланишдан ўзини йўқотиб қўйган Лена бор кучи билан Юрий Рогов — Чикотилони итариб юборди. Бунга жавобан Юрий қизнинг юзига мушт туширди. Кейин қўлини қайириб полга ётқизди. Лена ҳам жон-жаҳди билан унга қаршилик кўрсатди. Бир неча дақиқа давом этган кескин олишувдан сўнг ўзининг жирканч мақсадига етолмаган Юрий чўнтагидан пичоқ чиқариб, қизнинг томоғига тиради. Бўш қолган қўли билан эса бошқа чўнтагидан гувоҳномасини кўрсатиб, Ленага ўзининг кимлигини яхшилаб таништирди. Гувоҳномадаги Чикотило деган фамилияни ўқиши баробарида Лена қўрқувдан ҳушини йўқотди...

Лена Юрий Рогов томонидан мажбурланган ва хўрланган биринчи қиз эмас, албатта. Бунгача ҳам бешафқат Юрий шундай мудҳиш жиноятлардан бир нечтасини амалга оширган ва жазодан қутулиб қолган эди. Шунинг учун ҳам у ўзини доимо енгилмас овчи сифатида ҳис қилар ва бундан ҳузур-ҳаловат топар эди. Ростовдек катта шаҳарда бинойидек яшаш учун ҳам, одатда, сердаромад жойда ишлаш лозим. Юрий ҳеч қандай жойда ишламаса-да, пул топишнинг ўзига хос йўлларини ўзлаштириб олган эди. Масалан, катта-катта савдо марказларида ўзини кассир сифатида таништириб “Хўжайиннинг топшириғи”, дея анча-мунча сотувчилардан пул олиб юргани ҳам бор гап.

Бироқ у кунларнинг бирида у бошқаларга ўхшаб мўмай фойда берадиган катта тижоратга қўл урмоқчи бўлди. Анча-мунча пул сарфлаб Туркия маҳсулотларидан харид қилди ва уларни Курск шаҳридан Ростовга олиб бориш учун машина ёллади. Бахтсизликни қарангки, йўлда кетаётиб, юк ортилган машина кутилмаганда бузилиб қолди. Юкни айтилган муддатда етказиб келолмагани учун Юрий Рогов ҳайдовчини шафқатсиз тарзда жазолади. Яъни у Александрнинг қўлларини боғлаб ўрмон ичига олиб киради ва роса дўппослайди. Сўнг пичоқ билан унинг танасини аста-секин тила бошлайди. Шўрлик ҳайдовчининг танасидан оқаётган қонни кўриб, у баттар қутуриб кетади. Ва кўзларини чақчайтириб, дўзах азобини бошидан кечираётган Александрга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини кўрсатади. Ҳайдовчи ҳам Лена сингари даҳшатли қўрқувга тушади ва “Чикотило Юрий Ромонович (Рогов)” деган ёзувни ўқийди.

Юрий Рогов, ҳақиқатдан ҳам, 1980 йилларда Россияда турли жиноий ҳаракатлар билан нақ 52 нафар аёл ва болаларнинг ҳаётига зомин бўлган қотил Андрей Чикотилонинг ўғли эди. Андрей Чикотилонинг суди бўлишидан олдин унинг оила аъзолари, яъни хотини Евдокия Семёновна, қизи ва ўғли Юрий ички ишлар ходимларига фамилияларини ўзгартириши зарурлигини уқдириб мурожаат қилишган эди. 1991 йилнинг 11 январида Ростов вилояти Новочеркас шаҳари жроия қўмитаси уларнинг илтимосини қабул қилади ва ҳаммасига Рогов деган фамилияга ўтиши учун ижозат беради.

Чикотило — Юрий Рогов эҳтиётсизлик ва баднафслик қилмаганда қўлга тушмаслиги ҳам мумкин эди. У кунларнинг бирида Ростовда бир киши билан жанжаллашиб қолади. У бу кимсани ҳам навбатдаги қурбонига айлантириш учун ҳамма имкониятларни ишга солади. Яъни бу кимсага агар икки кун ичида ўн минг АҚШ доллари топиб бермасанг, бутун оиланг билан қириб ташлайман, деган талаб қўяди. Бироқ Юрий Чикотилонинг бу ўлжаси анча қайсар чиқиб қолади ва у бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида милицияга хабар беради.

Юрий Чикотилони (Рогов) қўлга тушириш ҳам унчалик қийинчилик туғдирмайди. Шовқин-сўронсиз амалга оширилган операция туфайли у дарҳол таслим бўлади. Бироқ суд жараёнида отаисга ўхшаб роса айёрлик қилади. Ўзининг худди отаси сингари руҳий касаллигини пеш қилавериб, ҳамманинг жиғига тегади. Бироқ суд ҳайъати унинг қилмишларини бирма-бир ўрганиб чиқади, батафсил таҳлил этади. Охир-оқибат унга нисбатан Россия Федерацияси Жиноят кодексининг тўртта моддаси бўйича ҳукм ўқилади (327, 127, 117, 131).

Отасининг жиноий қилмишларини такрорламоқчи бўлган ўғил нақ тумшуғидан илинди. Суд келишган ҳолда уни Ростов вилояти тергов изоляторига жойлаштиришни лозим топди. Жиноятчи Юрий Рогов жазога тортилган бўлса-да, ростовлик фуқаролар яна бир марта қўрқувга тушдилар. Кейинчалик бу қўрқув бутунича ҳайрат ва таажжубга айланди. Ҳайрат ва таажжубдан эса мантиқий савол келиб чиқди: “Наҳотки, тиббиёт фани ота-бола Чикотило сингари инсон қиёфасидаги маҳлуқларнинг дардига шифо тополмайди?”

**Хорижий матбуот асосида Умид РАҲМАТОВ тайёрлади.**

**Charxi kajraftor**

## ДАФН МАРОСИМИНИНГ ҲАМ ЁҚИМЛИСИ БЎЛАДИМИ?

Ҳаётда яхши яшашни, умрни мазмунли ўтказишни ким ҳам истамайди дейсиз? Ростда, ҳамманинг ҳам яхши яшагиси келади. Шунинг учун эртадан кечгача тиним билмай елиб-югуради.

Бироқ дунёда шундай инсонлар ҳам бор эканки, нафақат бу ҳаётда яхши яшашни, балки ўлимидан сўнг ҳам ўзларини чиройли дафн этишларини исташар экан.

Мисол учун ким шундай дафн маросимини орзу қилган дейсизми?

Унда қулоқ тутинг: америкалик шоколад ва бошқа ширинликлар ишлаб чиқарадиган бир нечта фабрикаларнинг хўжайини бўлмиш жаноб Роланд Ольсон ўлими олдидан ғалати васият қилди. У васиятномасида “**агар мен дунёдан кўз юмсам, тобутимни ўзимнинг фабрикамда шоколаддан ясанг!..**” деган сўзларни битган эди.

Албатта, Роланд Ольсон жаноблари бу билан нимани ният қилганини англаш қийин. Бироқ унинг васияти ўлимидан сўнг сўзсиз бажо келтирилди...

Бошқа бир америкалик нафақахўр Жейн Дервиллнинг васияти эса ҳаммасидан ошиб тушди. У **“мен дунёдан кўз юмгач, тобутимнинг ичини ширин жўхори таёқчалари (“поп-корн”) билан тўлдиринг! Яна ўзим яхши кўрадиган учта виддеокассетани ҳам тобутимга солишни унутманг!”** - дея васият қилганига нима дейсиз?

Айтишларича, қария бежизга бундай васият қилмаган. Чунки у ҳаёт пайтида ширин жўхори таёқчалари солинган катта қопчани ушлаб, соатлаб телевизор қаршисида ўтирган.

Охир-оқибат эса, у ширин жўхори таёқчаларисиз нариги дунёда нима қиламан, деган хаёлга борган ва ўлими олдидан васиятнома ёзиб қолдирган.

## “ҚУРБИНГ ЕТМАЙДИМИ, ЖАЗОИНГ ШУ!”

Калифорния штати, Модесто шаҳри полицияси қирқ беш ёшли Келли Прэттни эрини аёвсиз калтаклагани учун ҳибсга олишди.

Хўш, аёл нима жин уриб, эрини калтаклабди, дейсизми?

Бунинг сабаби жуда оддий. Шўринг қурғур олтмиш беш ёшли қария уйига ичиб келмаган, асаб бузадиган инжиқлик ҳам қилмаган. У бор-йўғи оилада намунали эр сифатида эркаклик бурчини бажармаган. Бу ҳол унинг хотини қирқ беш ёшли Келли Прэттни қаттиқ ғазаблантирган ва у охир-оқибат эрини ўлар ҳолатда калтаклаган.

Бу воқеанинг охири ҳам ниҳоятда қайғули якун топди. Олтмиш беш ёшли қария олган жароҳати туфайли олтинчи куни тиббиёт марказида дунёдан кўз юмди. Полиция ходимининг берган хабарига қараганда, қариянинг танасида 25 та қаттиқ тишланган жароҳат бор экан.

## ҚАСОС УЧУН ТИРИК ҚОЛДИ

Ҳа, шунақаси ҳам бўлар экан. АҚШлик эллик тўрт ёшли Форрест Байер исмли шахс 12 ёшли ўғли билан кетаётганда, икки нафар босқинчининг қўлига тушиб қолади.

Босқинчилар уларни кўздан панароқ жойга олиб ўтишди ва бор-йўғини тортиб олибгина қолмай 12 ёшли болани отиб ўлдиришади, отасинини эса бўғзига пичоқ тортишди. Кейин иккаласини ҳам кўмиб ташлашди. Ота худонинг мўъжизаси билан тирик қолди ва жиноятчилар кетгунга қадар тупроқ остида жон сақлашга мажбур бўлди. Сўнгра тупроқ чиқиб, остидан қонга бўялган ҳолда ўғлининг жасадини кўтарганча катта йўлга чиқди. Йўловчи машиналардан бири уларни шифохонагача олиб борди. Шифокорларнинг таъкидлашича, Форрест жуда оғир аҳволда бўлган. Шундай бўлса-да, жабрланувчи маҳаллий полицияга босқинчиларнинг афт-ангорини таърифлаб берди. Орадан 12 соат ўтгач, қотиллар қўлга олинди.

## АЛАМЗАДА ПОЛИЦИЯЧИ

Кейинги пайтда одамлар арзимаган қилмишлари учун бир-биридан боплаб ўч олишга муккасидан кетаётгани бор гап. Шундай “қасоскор”лардан бири яқинда Испанияда шарманда бўлди ва ишдан бўшатилди.

Арнедо Педро исмли полициячи Логроньо шаҳрида истиқомат қиладиган ўқитувчилардан бирини бир кунда уч марта транспорт бошқариш қоидасини бузганликда айблаб, жаримага тортди. Сезгирлиги учун полиция маҳкамаси бошлиғи Арнедо Педрони дастлаб мукофотга тавсия қилди. Бироқ ноҳақ жаримага тортилган ўқитувчининг ўзи маҳкамага келиб ўзининг ҳақ эканлигини гувоҳлар иштирокида исботлаб бергач, Арнедо ишдан бўшатилди.

Алқисса, ўқитувчи дарс жараёнида полициячининг ўғлига дарсларни ўзлаштиролмагани ҳамда тартиб-интизомга бўйсунмагани учун “2” баҳо қўйган экан. Шунга айтадиларда бировга чоҳ ковлама, ўзинг тушасан деб...



*Табиат қўйнида*

**Jinoyatga jazo muqarrar**

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

**СУД ОЧЕРКИ**

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Бу орада у ўғирлик орқали топилган пуллари эвазига тўй қилиб, ўзи суйган қизга уйланди.

Кейинчалик у бу ишни тўхтатиб, олди-сотди билан шуғулланишга қарор қилди. Яқин таниш-билишларидан устига маълум фоиз пул қўшиб қайтариш шарти билан анчагина миқдорда пул олди. Бироқ иши юришмай, чув тушди, қарзларнинг фоизини ҳам, пулнинг ўзини ҳам бера олмади.

У яна Омад Раҳимовнинг ҳузурига бориб тижорат қиламан, деб томоғигача қарзга ботиб қолганини айтди.

Аввалига Омад Раҳимов уни ўзидан бемаслаҳат тижоратга урингани учун койиди. Кейин у чуқур ўйга толди. Қудратилла мени оғир вазиятдан чиқариш чораларни ахтараяпти, деб сабр-тоқат билан унинг оғзини пойларди. Омад Раҳимов эса ўз манфаати учун Қудратилладан қандай қилиб янада унумлироқ фойдаланиш режасини тузаётган эди.

— Вазиятдан чиқишнинг яна бир йўли бор, аммо... — Омад Раҳимов Қудратиллага қўлингдан келармикин дегандек тикилиб қолди. — Анча қалтисроқ-да!

— Нима десангиз, бажараман,- деди шошиб Қудратилла.

— Тилла ҳамда... — Омад Раҳимов яна Қудратиллага синчковлик билан боқди-да, гапида давом этди, — ҳар хил гиёҳларни, яъни наркотикнинг олди-сотдиси сердаромад иш.

— Тилла майли-ю, аммо наркотикни жуда хавфли дейишади...

— Бунақа ишларда таваккал қилиш керак. Бир ишинг юришса, йил бўйи кайф-сафо қилиб юришга етадиган даромадга эга бўласан. Ҳа, майли, бу анча хатарли иш. Шунинг учун буни сен эмас, мен қиламан. Фақат товар сотиб олиш учун иккаламиз тенг пул қўшамиз.

Омад Раҳимов кафил бўлса, ишлар беш бўлади, деб ўйлади Қудратилла ва тўғри тоғаси Норқобил Шодиевнинг олдига борди.

— Тоға пул керак, бир ойда фоизи билан қайтараман.

Катта фоиз олиб яхши даромад қиламан, деб ўйлаган Норқобил Шодиев таниши Тўхтавой Абдуллаевдан ўз номидан тилхат ёзиб, бир ой муддатга катта маблағни олди-да, жияни Қудратилланинг қўлига тутқазди. Қудратилла эса қарзга олинган пулга ўзининг топган-тутганини қўшиб Омад Раҳимовга олиб бориб берди.

Омад Раҳимов эса товарга кетаяпман, деб уйидан чиқиб кетди

Орадан бир ой ўтди. Омад Раҳимовдан эса ҳамон дарак бўлмади. Қудратилла тоғаси орқали Тўхтавой Абдуллаевдан олган пулни фоизи билан қайтарадиган пайт келди. Тўхтавой Абдуллаев бир неча бор пулини қистаб Норқобил Шодиевникига борди, лекин мана берамиз, ана берамиз билан вақт ўтиб борар эди. Шундан сўнг сабр-тоқати тугаган Тўхтавой Абдуллаев “Бир ой вақт ўтиб кетди, энди пулни қайтарсанг, қайтардинг, қайтармасанг тегишли жойга мурожаат қиламан”, деб масалани кўндаланг қўйди.

Норқобил Шодиев жиянидан пулни топиб беришни талаб қилиб роса пўстагини қоқди. Устига устак Қудратилладан анчадан буён пулини ололмай юрган Тўра ака ҳам пулини қаттиқ қистаб туриб олди.

— Пулни берсанг, бердинг, бўлмаса ўн кундан кейин хотинингни гаровга олиб кетаман,-деди Тўра ака ғазаб билан.

Қудратилла Омад Раҳимовнинг уйига қараб югурди. Қараса, у уйида экан. Бироқ у билан совуқ сўрашди.

— Хайрият, келибсиз. Пулни бермасангиз, аҳволим чатоқ, — деди Қудратилла унинг юзига умид билан боқиб.

У ҳозир Омад Раҳимов уйга кириб, бир даста пулни олиб чиқишини кутган эди. Лекин Омад Раҳимов нима учундир ўрнидан қўзғалмасди, юзлари тунд, қовоқлари солиқ эди.

— Омад ака...нега... кайфиятингизни биров буздими?- дея мулойимлик билан сўради Қудратилла.

— Менга қара, бола, сенинг ҳеч қанақа пулингни олганим йўқ!

Қудратиллага бу гапни айтгунча Омад Раҳимов унинг юзига қарсиллатиб тарсаки туширгани тузук эди, юзи оғрирди, ачишарди, лекин ўтиб кетарди. Бу гапдан кейин эса унинг барча умидлари чилпарчин бўлди.

— Ахир, пул бердим-ку, сизга,- деди Қудратилла аламдан дағ-дағ титраб.

Омад Раҳимов бош чайқади.

— Менда сенинг пулинг йўқ. Йўқол, кўзимга кўринма, агар тихирлик қиладиган бўлсанг, милицияга бораман, сен ўғирлаб келган моллар уйимда турибди, эгаси чиққунча сақлаб турувдим дейман. Ўзингга қийин бўлади, қамалиб кетасан.

Қудратилла Омад Раҳимовни сўкиб-сўкиб уйига қайтди.

Уйига қадам қўйиши билан орқасидан Норқобил тоғаси кириб келди.

— Бугун кечгача пулни қайтармасанг, кейин уни икки баробар қилиб сендан ундириб оламан!- деб дағдаға қилди тоғаси.

Тоға кўп гап айтди, аммо у бир нарсани — қарз-ҳавола қилиб пул тўплаганини ва уни Тўхтавой Абдуллаевга берганлигини, у эса ўз навбатида Норқобил ёзиб берган тилхатни унинг ўзига қайтариб берганлигини айтмади. Айтмаганлигига сабаб тилхат менда, сен олган пулни қайтардим, деб айтсам, Қудратилладан пулимни ололмайман, деб ўйлади.

Қудратиллаганинг ишонгани Омад Раҳимов боплаб лақиллатди, тоғасиям деганини деди, гаровга олиб кетаман, деган гапни эшитиб хотини онасиникига кетиб қолди. Қудратилла “Омад Раҳимовнинг оёғига йиқиламан, қулингиз бўламан, дейман, фақат пулимни беринг”, дея яна унинг уйига борди. Аммо у яна ер ютгандай ғойиб бўлган эди.

Қинғир ишлар қилиб юриб, тўғри йўлдан тойиб кетган Қудратилланинг хаёлига яна бир қинғир фикр келди: “Тилхатни ўғирласам, ҳеч ким мендан пул талаб қила олмайди. Талаб қилса, қўлингда исботинг борми, кўрсат, дейман. Кўрсатолмайди”.

Шу хаёл билан у Тўхтавой Абдуллаевнинг уйига йўл олди.

Эшикни Тўхтавой Абдуллаевнинг 12 ёшли ўғли Қодирали очди ва Қудратиллани ичкарига таклиф қилди. У ичкарига кирар экан, уйда шу боладан бошқа ҳеч ким йўқлигини сезди. Кутилмаганда болакай: “Пулни олиб келдингизми? Агар олиб келмаган бўлсангиз, сизни мана бу уйга қамаб қўйишар экан, буни дадам билан Норқобил амаки айтди”, деди.

“Пул...”

“Хотиним...”

Бу сўзлар Қудратилланинг миясига тўқмоқдек урилди. У тилхатни қўлга киритсам, шунга ўхшаган маломатлардан қутуламан, бўлмаса йўқ. Қандай бўлмасин тилхатни қўлга киритишим керак, дея тинимсиз ўйларди. “Тилхатни қидиришга мана шу бола халақит бермоқда. Шу бола бор экан, мен уй ичига кира олмайман. Кирсам, ўғри экан, тилхатни олиб чиқиб кетди, дейди, баттар маломатга қоламан...»

Қудратилланинг назарида, муддаосига эришишига ягона тўсиқ мана шу бола эди. У тўсиқни бартараф қилиш мақсадида ёнидаги пичоғини қинидан суғуриб болага қайта-қайта санчди. Шу пайт кутилмаганда ичкаридан Тўхтавой Абдуллаевнинг ўн ёшли иккинчи ўғли чиқиб келди. Кўзи қонга тўлган Қудратилла уни ҳам ваҳшийларча ўлдирди. Кейин уларнинг жасадини сўри тагига тиқиб яширди. Сўнг ичкарига кириб тилхатни қидиришга тушди. Бутун уйни ағдар-тўнтар қилди, лекин тилхатни топа олмади.

Уч кундан кейин Қудратилла ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинди. У бошлаган қинғир ишнинг қонли қийиғи чиқди..

Суд Қудратилла Охуновга ва Омад Раҳимовга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

**Шоҳруҳ АКБАРОВ, журналист**

**Rivoyat**

# УЧ ВАСИЯТ

Луқмон Ҳаким уч нарса ҳақида васият қилиб айтди:

— Ўғлим, шу уч васиятимга амал қил. Биринчиси: ёмон хотинга зинҳор сирингни айтма. Чунки хотин кишининг феъл-атвори яхши бўлмаса, эри билан уришган чоқда унинг сирини ошкор қилишдан тоймайди. Иккинчи васиятим: ҳокимнинг хизматида бўлган кишилар билан ошно, дўст бўлма. Учинчиси: нокас одамдан қарздор бўлма.

Кўп вақт ўтмай Луқмон Ҳаким вафот қилди. Ўғли отасининг уч васиятини синамоқчи бўлди. Бозордан бир қўй сотиб олиб, бир дўстининг уйида қўйни сўйди, пишириб қопга солиб уйига келтирди. Хотинига:

— Мен бир кишини ўлдириб, қопга солиб келтирдим, ҳовлимизнинг бир чеккасига кўмаман, зинҳор ҳеч кимга айтма, – деди. Ҳовлининг бир чеккасидан чуқур ковлаб, қўйни қопи билан кўмди. Эртаси куни ҳокимнинг бир хизматкорини уйга чақириб зиёфат қилди, тезда у билан қалин ошна бўлди. Кейин бир нокасдан бир неча олтин қарз олди. Бир неча кундан кейин хотини билан уришди. Хотин кўчага қочиб чиқиб:

— Эрим бировни ўлдириб, қопга солиб ҳовлимизга кўмиб қўйди, энди мени ҳам ўлдирмоқчи, – деб дод-фарёд қила бошлади.

Бу воқеа ҳақида ҳокимга хабар бердилар. Ҳоким Луқмон Ҳакимнинг ўғлини олиб келишга буюрди. Ҳалиги хизматчи Луқмон ҳакимнинг ўғлини ушлаб ҳоким ҳузурига олиб кетди. Луқмон Ҳакимнинг ўғли:

— Дўстим, мени қўйиб юбор, бошқа шаҳарга қочиб кетай, — деб ҳар қанча ялинса ҳам қабул қилмади.

Йўлда нокас йўлиқиб:

— Сени ўлдиргани олиб кетаётибдилар, пулимни бер, – деб қарзини қистади. Ҳоким Луқмон ҳакимнинг ўғлига:

— Бу нима қилганинг? Отанг олим, фозил бир киши эди. Шундай улуғ одамнинг фарзанди бўла туриб, жиноят қилишга уялмадингми? – деди. Луқмон ҳакимнинг ўғли қопга солиб кўмилган ўликни келтиришни ўтинди. Ҳокимнинг буйруғи билан одамлар бориб, қўй кўмилган чуқурни очиб, ўлик қўйни қопи билан кўтариб келтирдилар. Қопни очиб ўлик қўйни кўргач, ҳамма ҳайрон бўлди. Ҳоким бунинг ҳикматини сўради. Луқмон Ҳакимнинг ўғли отасининг уч васиятини синаб кўрмоқчи бўлганини айтиб, бутун воқеани бирма-бир баён қилди. У ерга йиғилган халқ йигитга тахсин ва офарин айтди.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5